



ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

Душанба кuni пойтахт вилояти ИИБда ўтказилган ҳуқуқий ўқув мавзуси, матбуотда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси" лойиҳасининг муҳокамасига бағишланди. Унда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг фалсафа ва ҳуқуқшунослик институти кафедраси мудир, ҳуқуқшунослик фанлари доктори М. Файзиев маъруза қилди.

М. Файзиев мазкур Қонун лойиҳасини тайёрлашда ер юзида мавжуд 97 мамлакат Конституциялари ўрганилгани, демократик принциплар унда ўз аксини топгани хусусида тўхталди. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг аввалги тўрт

Конституциясидан ҳам баҳоли қудрат фойдаланилгани тўғрисида гапираркан шундай деди: "Ўзбекистоннинг бугунги Қонун лойиҳасини яратишда академик А. Сахаровнинг албатта қабул қилинишини талаб этган "Декларация"га ҳам катта эътибор берилди. Бу иккинчи-манба бўлиб, кўп йиллар давомида ер юзидаги аксарият давлатлар унга амал қиларди.

Давлатимизни 257 мамлакатдан 150 таси тан олганлиги, 49 таси билан дипломатик алоқаларнинг ўрнатилгани ва консуллик шартномаларга қўл қўйилгани каби факторлар Қонунимизни тайёрлашда учинчи манба бўлиб хизмат этди.

Бундан ташқари нотик лойиҳадаги айрим бобларни, чунончи "Давлат суверенитети", "Фуқароларнинг ҳуқуқлари", "Жамият ва шахс", "Давлат ҳокимиятининг ташкил топиши" каби бобларини шарҳлади.

Маъруза сўнгида М. Файзиев ходимларнинг кўплаб саволларига жавоб берди. Ходимлар савол бериш билан бир қаторда, лойиҳадаги айрим моддаларга тўхталиб, унга ўзгаришлар киритиш ҳақида ўз фикр ва таклифларини билдирдилар. Қизгин муҳокамадан сўнг маърузачига мазмуни суҳбати учун ташаккур билдирилди.

М. МИРСОВУРОВ.

Милиция сержанти В. Вагина Тошкент шаҳар ИИБ марказлаштирилган картотекаси ўз фаолиятини бошлагандан буён ишлаб келади. Ҳуқуқбузарлар ва жиноятчилар ҳақида маълумотлар бериш картотека операторининг иш жараёнини ташкил этади.

— Биз ички ишлар идораларидаги ҳар хил хизмат тармоқлари бўйича, шунингдек, навбатчи, бўлимларининг сўровларига жавоб тайёрлаймиз, — дейди В. Вагина, — умуман олганда милиция ходимларига оператив ҳолатда қўлга олинган шахслар тўғрисида маълумот берамиз.

Суратда: марказлаштирилган картотека оператори, милиция сержанти В. Вагина.

Ҳ. ШОДИЕВ тайёрлаган сурат.



Транспорт милициясида бир кун

Республикада ички ишлар вазирлиги транспорт милицияси ходимлари жиноятчиликка қарши курашни янада авж олдирмоқдалар. Жойларда ҳуқуқбузарликнинг ҳар қандай кўринишига чек қўйилмоқда. Ўтган ҳафта давомида жиноятчиларга қарши курашиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди. Қонунбузарларга қаттиқ зарба берилмоқда.

2 август кuni икки йигитнинг ўш шаҳридан келаётган мато ортилган вагонга "ишқ"лари тушиб қолди. Улар ўрам нархи 36 минг 520 сўмлик матоларни "жигилдон"ларидан ўтказиб юбормоқчи эдилар.

Лекин улгуриша олмади. Ўғриланишнинг шахси тезда аниқланиб, ушланди. Ҳеч қерда ишламайдиган бу йигитлар чирчиқлик 21 ёшли Радион Ким ва унинг ҳамшахари 28 ёшли Шавкат Зулфиевлар экан. Ўғрилган газмоллар жойига қайтарилди.

Тошкентнинг "Шимолий" темирйўл вокзалининг иккинчи йўлида эгасиз, қизил рангли спорт халтаси топилди. Унинг ичида 5 килограммдан ортиқ наша бор экан. Кўрилган чоралар натижасида халтанинг эгаси аниқланди. У 1961 йилда туғилган, муқаддам судланган Александр Зуев бўлиб, Рубцовск шаҳридаги кичик корхонада қоровул вазифасида ишларкан.

Шу вокзалнинг ички ишлар бўлимига Қизил Ўрдалик бир аёл ариза билан мурожаат қилди. Унинг айтишича, кутиш залида Осиё миллатига мансуб 18-20 ёшли номаълум шахс унинг қўлидаги салкам 7 минг сўм пули бўлган сумкачасини тортиб олиб ғойиб бўлган. Милиция ходимларининг қидирув

ҳаракатлари зое кетмади. Шу жиноятни содир этган ҳеч қерда ишламайдиган ва ўқимайдиган фуқаро Сулаймонов ушланди. Унинг ёнидан олинган пул эгасига қайтарилди.

30 июлга ўтар кечаси пол тахталарини кўтарган шарпа "Қизил Тўқимачи" станцияси ҳовлисида ташқарига чиқиб кетди. Эртасигаёқ ўғрининг юзи очилди. Буни қарангки, ўғри шу станциянинг қоровули, 64 ёшли Георгий Филатов бўлиб чиқди. Ҳа, "Қизил Тўқимачи" станцияси раҳбарлари қўйларни, мақолдагидек бўриларга топшириб қўйишган экан.

Тошкент "Шимолий" вокзалидаги ички ишлар бўлимига 32 ёшли Ильин Валерий исмли йигитни наркотик модда олиб кетаётганликда гумонланиб ушлаб келинди. Уни текширишганда унинг ёнидан 2 килограмм 30 грамм оғирликдаги кўкнори моддаси топилди.

Темирйўлларда аянчли воқеалар ҳам тез-тез содир бўлади. Йўл транспорт қондаларини бузиб юрувчи мотоцикл ҳайдовчилари диққатини шу воқеалардан бирига қаратмоқчимиз.

Ҳазорасп шаҳри яқинидаги автомобил йўли билан темирйўл кесишув жойида юриб кетаётган поезд билан давлат номери йўқ "Восход" белгили мотоцикл тўқнашиб кетган. Мотоциклдаги икки йигит касалхонага етмасданоқ ҳаёт билан хайрлашдилар.

Республика ички ишлар вазирлиги транспорт милицияси ходимлари қонунбузарликка қарши курашларини давом эттирмоқдалар.

А. ҲАКИМОВ,

ИИБ матбуот маркази ходими.

ЧОРШАНБАДАН

ЧОРШАНБАГАЧА

ОЛҒИРЛАР ТУШОВЛАНДИ

Тошкентдаги Маданият ва ахборот марказидаги кўргазмадан икки дона (уларнинг умумий нархи 90 минг сўмни ташкил қилади) расмларни қирқиб, олиб кетаётганлар қўлга олинди. Бу олғирлар республикадаги берухсат қадам ранжида қилган Франция фуқароси, Версаль шаҳар педагогика олийгоҳи талабаси М. ҳамда 1970 йилда туғилган Украина фуқароси А. К. бўлиб чиқди. Энди улар республика қонун билан жазога тортилишлари муқаррар.

УЛАР ҚИДИРИЛМОҚДА

Хонобод шаҳридаги "СССР 50 йиллиги" кўча, 121-уйда яшовчи О. А. уйда тунда қароқчилар пайдо бўлди. Улар О. А.ни газ баллончаси билан қўрқитиб, оёқ-қўлларини боғлаб, 15 минг сўмлик тилла тақинчоқларини олиб кетишди. Улар қидирилмоқда.

"КАМАЗ"ДАГИ РАКЕТНИЦА

Бўз районидаги 44-пост ДАН ходимлари Л-67-74 СН "КАМАЗ-5320" шахсий автомашинасини кўздан кечириб, ундан 254-4-84 рақамли ракетница топиб олишди. Энди гулистонлик Н. М. ракетницани қердан олганини айтиб беради.

ОМБОРГА ЎТ ТУШДИ

Тошкент трактор ишлаб чиқариш корхонасининг 23- цехи омборига ўт тушди. Кўз очиб-юмгунча 1500 квадрат метр майдон ёниб кул бўлди. Етказилган моддий зарар 50 минг сўмни ташкил қилди. Ёнғин сабаблари ўрганилмоқда.

ҚОТИЛ ҲИБСАДА

Яккасарой районидаги Бўрижар каналдан бўйига оғир темир боғлаб, қўқтириб юборилган шахс жасади топилди. Район ИИБ жиноят-қидирув бўлини маси ходимларининг саёй-ҳаракатлари туфайли қотил ҲИБСАДА олинди.

ҚИЛМИШЛАРИГА ЯРАША ЖАЗО

"Чирчикгеология"нинг пармаловчиси З. К.нинг "М-421" белгили П-53-72 ТШ рақамли шахсий автомашинасини номаълум шахслар ўмариб кетиб, унинг эвазига 50 минг сўм пул талаб қилишди. З. К. бу ҳақда милицияга хабар қилди. Кўрилган тезкор чора-тадбирлар туфайли қаллоблар 50 минг сўмни қўртдай санаб олишаётганда ушланди. Энди улар қилмишлари учун одил суд олдида жавоб беришади.

МОЛ ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Поп районидаги Уйғур қишлоғилик Ш. Т.нинг бедапояга боғлаб қўйган икки бош қорамоли тўсатдан ғойиб бўлди. Милиция ходимларининг астойдил ҳаракатлари зое кетмади. Ўғри қўлга олинди. Мол эса эгасига қайтарилди.

ЭГРИЛИКНИНГ ОХИРИ ВОЙ

Ички ишлар вазирлиги жиноят-қидирув, уюшган жиноятчилик ва коррупция билан кураш Бош бошқармаси ҳамда Мирзо Улугбек райони жиноят-қидирув бўлини маси ходимлари билан ҳамкорликда олиб борган изланишлари натижасида Тошкент трактор заводи даҳасида истиқомат қилувчи, босқинчилик билан кун ўтказувчи А. А. ва В. Г.лар қўлга олинди. Улар шу йилнинг сентябрь ойида Тошкент Давлат аграр университети доценти В. А.нинг уйига бостириб кириб, тўппонча билан қўрқитиб "Полёт" тилла соати, 7500 сўм пулини олиб кетишганди. Энди улар эгри йўл билан пул топишнинг охири вой эканини билиб олишади.

ЯНА НОМУСГА ТАЖОВУЗ

Ромитан районидаги 33-билим юрти толиби Т. Т. ҳамқишлоғи, 1987 йилда туғилган З.Ж.ни зўрлаб номусига тегди. Т. Т. ҲИБСАДА олинди.

Т. МУРОДОВ.

ОТАЛАРИМИЗ УДУМЛАРИ ЎРНАККА АРЗИГУЛИК

Бугунги кунда Улуг Ватан урушидан кейинги умрини милиция ишига бағишлаган заҳирадаги ходимларимизнинг ҳаёт йўли нафақат ёшларимизга, ҳамма ходимларга ҳам ўрнак бўлиб келмоқда. Бу мураббийларнинг ички ишлар бўлимида (Оққўрғон, Бекобод, Бўстонлик, Урта Чирчик) шахсий таркиб билан мулоқот давомида тарбиявий мавзуларда чиқишлари аҳамиятини ҳеч бир ўлчов билан ўлчаб бўлмайди.

Улуг Ватан уруши ва меҳнат фахрийларининг Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси қошидаги жамоаси раиси, заҳирадаги милиция полковниги (жамоат тартибини сақлаш бўлими бошлиғи вазифасидан заҳирага чиққан) Михаил Семенович Иванов шундай ҳикоя қилади:

— Мен 1947 йилдан то 1981 йилгача Тошкент вилояти ИИБда хизмат қилдим. 1939-1947 йилларда чегарачилар қисмида хизматни ўтаб қайтгач, Қуйи Чирчик район ИИБда иш бошладим. Менинг хизматга келишимга ўша даврда вилоят ИИБ бошлиғи бўлиб ишлаган Жўра ака Остонов сабаб бўлганлар.

Биринчи бошлиғим Қуйи Чирчик ички ишлар бўлими бошлиғи О. Эрнazarов эди.

Қуйи Чирчик райони худуди Сирдарё, Чирчик ва Охангарон дарёларининг бирлашадиган ҳавзасида жойлашган бўлиб, ўзининг ҳосилдорлиги, балиққа мўллиги билан довруғ таратган, қамишзорлари, тўқайлари эса жиноятчиларнинг беркинишлари учун қулай манзилгоҳ эди.

Айниқса, урушга бормасдан қолган дезертирлар бу ерларда паноҳ топган эдилар. Шу боис 1946 йилга келиб бу район энг мураккаб оператив ҳолатлиги билан ажралиб турарди. Қўй-қўзи, қорамолларнинг ўтирилиги, фуқаролар мулкига тажовуз аҳоли тинчига пугур етказганди. Уларга қарши кураш майдонида эса биргина жиноят-қидирув ходими, беш участка вакили, олти милиционер ҳаракат қиларди, холос. Албатта улов ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди — режа бўйича навбатчиликда ҳужаликлардан 10 та от хизматда бўларди. Районда эса 50та колхоз бўлиб, улардаги аҳволдан хабардор бўлиш учун тез-тез бориш имконини қидириш зарур эди. Жиноятларни асосан дезертирлар ҳамда қидирилатган жиноятчилар томонидан содир этилиши эътиборини айнан



шуларга қаратишга мажбур қиларди, демак ИИБ бошлиғи милиция катта лейтенанти О. Эрнazarов озгина-созгина шахсий таркибдан куну-тун берилиб ишлашни талаб қилишга мажбур эди.

Чиноз ва Қуйи Чирчик районлари туташган Қўрғонча қишлоғи ёнидаги қамишзорларни кўздан бери фаолият кўрсатиб келатган ўғрилар гуруҳи макон қилиб олишган, аҳолига тинчлик беришмасди: кунора қайсидир хонадон чув тушиб зорланиб қолар, милициянинг эса бу ҳолатларга чек қўйишга қурб етмай озор чекарди. 1947 йилнинг сентябрида мен қўшни район ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда ташкил этилган махсус қидирув гуруҳи таркибида ИИБ бошлиғи Оқмўлда Эрнazarов (милиция подполковниги ўнвонида заҳирага чиққан, 1990 йилда вафот этган) бошчилигида тунда жиноятчиларни топиш ва ушлаш мақсадидаги тадбирга жалб этилдик. Илгаридан тайёрлаб қўйилган қамиш ва пичан гарамларининг ичига кириб олиб тонгга қадар кутиб ётдик. Тажрибали фронтовик, жиноят-қидирув бўйича тезкор вакил Василий Рязанов ва оддий мили-

ционер, бақувват, шерюрак Эргаш Норбоев эса қамишзор ва тўқайнинг ичкарасига кириб кетдилар. Тонгги ҳўроз қичқириви пайти ўғри гуруҳининг бир аъзосини қамишлар орасида ухлаб ётганида ушлаб олиб келишди. У сўроқ қилинганида, қийинчилик билан беш қақиримча нарида, катта сершоҳ сада дарахти остида, Сирдарё қиргоғидаги дарада оғайнилари билан гуруҳнинг каттакони дам олаётганлигини айтишга мажбур бўлди. Эмаклаб, сурилиб, сув-лойга ботиб, илонлар ва бақалар билан ҳамсухбат бўлиб, қамишларнинг қиличдек кескир тигида гумон қилинган ерга етиб келдик. Биринчи навбатда қоровулда турганларни қўлга олдик. Уларнинг каттакони — Юрка-кротнинг заҳрини кўрсангиз эди: — Уч йил дарахтда ухладим, менга қандайдир ақлли калланинг қачон, қандай қўли ета қолди, — деб заҳархандалик қилди.

Бундай тадбирлар тез-тез ўтказилиб туриларди. Лекин энг катта муаммо — қўлга олинган гумондор шахсларни Чиноз станциясигача олиб чиқиб (яёв холда) жўнатишга тўғри келарди. Асосийси, у давр йигитлари маънавий чиниққанлиги туфайли ҳамма оғирликларни шундай бўлиши керакдай енгиб кетаверарканлар. Милицияга хизматга келган ходим ҳеч қачон ундан кетишни ўйламас, бу ҳолатни унга билдирилган ишончга оёқ қўйиш деб тушунар эканлар. Оталаримиз удумларидан ўрнак олсак арзийди-а?!

Суратларда: М. С. Иванов; шахсий таркиб қуролни қўллаш бўйича машғулотда. (чапдан иккинчи М. Иванов).

М. МИРСОВУРОВ,
Тошкент вилояти ИИБ бўлим бошлиғи ўринбосари, ички хизмат майори.



ЁНГИНГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙЛИК

Баъзида қурилиш майдонларида рўй бераётган ёнгинларни қўриб, кишининг кўнгли таҳликага тушади. Айниқса, шу бугунги иқтисодий тангликда ҳар бир қурилиш ташкилоти раҳбарларининг қурилиш майдонларидаги рўй бериши мумкин бўлган ёнгиннинг олдини олиш ва ёнгиндан сақлаш чора — тадбирларига аҳамиятсизлик билан қараши кўплаб қурилиш материаллари, ишчилар учун вагон хоналарининг ёниб кетишига олиб келмоқда. Ҳатто ишчи фуқароларнинг ҳаётини хавф остида қолдиришга олиб келмоқда.

Республика бўйича янги қурилиш майдонларида шу йилнинг 9 ойи мобайнида 151 марта ёнгин содир бўлиб, 66554 сўмлик зарар қўрилди, яъни 66554 сўмлик қурилиш материаллари ёниб қўлга айланди.

Фактларга назар ташлайлик: ишчиларнинг ширақайф ҳолда эҳтиётсизлик билан тамаки чекиши оқибатида шу йилнинг 8 апрель куни 01-15да содир бўлган ёнгин сабабли вагонда ухлаб ётган 227-кўча механизациялашган колонна ишчиси А. Кулбоев қўзи юмуқлигича оламдан ўтди.

14 апрелда эса. Тошкент райони, Келес шаҳридаги уй қурилишида содир бўлган ёнгин оқибатида 27886 сўмлик, 11 июнь куни Шеробод районидаги, Шеробод ҳўжалигида

электр тармоқларининг нотўғри уланиши натижасида уй қурилиши майдонида ёнгин содир бўлиб, 6700 сўмлик зиён етди.

Зангиота районидаги Наврўз жамоа ҳўжалигида ҳам уй қурилиш майдонида болаларни ўт билан ўйнаши ёнгинга олиб келди ва 5000 сўмлик зарар етказилди.

Мана буларнинг ҳаммаси кимнингдир эътиборсизлиги, ёнгинни олдини олиш масалаларига бефарқлиги натижасидир.

Кўплаб янги қурилишларда ёнгиннинг олдини олиш чора ва тадбирлари ўз вақтида бажарилмайди, еки кечикиб бажарилади. Баъзан лойиҳалаш институтлари лойиҳалаш жараёнида ёнгиндан сақлаш учун ишлатиладиган нормалар билан тасдиқланган чора ва тадбирларни унутиб қолдириш ҳоллари ҳам бўлиб туради.

Қибрайдаги қурилатган салқин ичимликлар ишлаб чиқариш комбинатининг омборхонасида ёнгиндан ҳосил бўлган ту-туларни чиқариб юбориш учун ишлатиладиган туғнуқлар лойиҳадан ту-шириб қолдирилган.

Қурилиш жараёнида ўзига яраша ҳар хил камчиликлар мавжуд бўлиб, булар қурилиш майдонларини бунинг учун сув билан таъминланмаслиги,

ёнгинни ўчириш учун автомашиналар турар жойларини ўз вақтида, биринчи навбатда қурилмаганлиги, ишчи фуқароларнинг ёнгин содир бўлганда қандай ҳаракат қилишини билмаганликлари, ишчи хоналари учун мўлжалланган вагонларда тартиб-интизом йўқлиги ва ёнгин содир бўлган вақтда ёнгинни ўчириш учун асбоб-анжомларнинг носозлиги бунга далилдир.

Бундан ташқари электр агрегатларининг тармоқларга нотўғри уланиши, электр аппаратлардан нотўғри фойдаланиш, эҳтиётсизлик билан қилим чекиш, электр пайвандлаш ва бошқа иссиқлик чиқариш аппаратларига бефарқлик ҳам ёнгинга олиб келувчи асосий сабаблардандир.

Агарда ҳар биримиз ёнгинни олдини олиш қондаларига амал қилсак, бизлар бугунги иқтисодий тангликда халқ мулкни ёниб кетишдан сақлаб қоламиз, яъни халқимизнинг шароитини яхшилаш учун ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

М. ИБРОҲИМОВ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЁНГИНДАН САҚЛАШ
БОШҚАРМАСИ
МЕЪЁР АМАЛИЁТИ БЎЛИМИ
БОШЛИҒИ,
ИЧКИ ХИЗМАТ МАЙОРИ.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛИЦИЯСИНИНГ 75 йиллигига

ХОТИРАЛАРДА ҲАМИША БАРҲАЁТДИР “НИВА”НИНГ ЯРИМ СОАТЛИК ЭГАСИ

Алимхон Норхўжаев Тошкент шаҳар ИИБ Давлат автомобил назорати бошқармасининг йўл-патруль хизмати полкидаги 2-дивизионда нозир эди. Унвони — милиция кичик сержанти. Хизмат даврида не-не машина ўғрилари қўлга олмаган, дейсиз.

Бу сафар ҳам “Нива” машинаси олиб қочилганлиги ҳақидаги хабарни олгач, олдингиларидан пишиқроқ ҳаракат қилишни қўнглидан ўтказди. “Ҳойнаҳой, машинани зўрға олиб қочган одам уни миришабнинг таёқчасини қўриш билан тўхтатмайди. Кинолардагидек, бошқа машинада етиб бориб, ён томонидан бир-икки зарба беришнинг ҳам нафи бўлмаса керак. Амаллаб олдиға ўтволиб, шартта тормозни босип-у, у урилиб тўхтатганда қўлга олиш — хом халёл. Борган еригача қўйиб бериб, кейин тўхтатганда қўлга олсам бўлади-ку, аммо унчага бир-икита одамни уриб-негиб кетса-чи? Хуллас, олдинги капотга ўзимни ташлайман-да, ё гавдам билан ҳайдовчининг

йўлини беркитаман, ё ойнани уриб синдираман. Қани, ўшандаям ўғирлик машинани тўхтатмай кўрсин-чи...”

Қўйлиққа борадиган қўча ҳар доимгидек серкатнов. Ана, “Нива”ям кўринди.

“Нива”нинг ярим соатлик эгаси бунақасини ҳали сира-сира кўрмаган эди. Ердан отилиб чиқдими, осмондан осилиб тушдими, тап этганча, капот устида милиционер йиғит пайдо бўлди. Тўғри, у ҳозирча унга тўпсонча тўғрилаганча йўқ, аксинча негадир ўзи билан ўзи овора. Лекин энди қаршилиқ кўрсатишнинг ҳожати қолмади-ёв...

Афсуски, ўша сакраганида Алимхоннинг мияси қаттиқ лат еган эди. Дарров уни шифохонага ётқизишди. Уч кунгача тинмай ҳолидан хабар олиб туришди. Дўхтирлар қўлларидан келганча ҳаракат қилдилар, аммо... Шундай қилиб, 1987 йилнинг 18 март куни Алимхон оламдан ўтди, лекин ўчмас хотираларда ҳаминша барҳаётдир!

“ХУШ КЕЛИБСИЗ, МЕҲМОНЛАР!”

Шайхонтоҳур район ички ишлар бўлими таркибидаги соқчилар бўлимасининг марказлаштирилган пулти бенуқсон ишлаб турар эди. Бундан беҳабар икки ўғри ҳамма ишга кетган пайтда мўлжаллаб юрган хонадонларига эшикни бузиб кирди-да, бамайлихотир жовон-у ўрин-кўрпаларни титкилай кетди. Шу ернинг ўзидан ювиб-дазмоллаб қўйилган дастурхонни олиб, диван устига ёзишди-да, қўлга илинган яхши-яхши буюм ва кийим-кечакларни тахлай бошлашди.

Келинг, уй ўғрилари ҳозирча ўзларини хурсанд қилиб, алмоий-жалмоий режаларни тузиб тураверсинлар, биз бояги пултга қайтайлик.

Ҳамма буюк кашфиётлар одатда оддий ечимга асосланади, дейишади — ҳар қалай ҳақ гап бўлса керак. Фуқаролар соқчилар билан мол-мулкни, уйини қўриқлашга шартнома тузишган. Симнинг бир учи пултга уланган бўлса, иккинчи учидан керагича шохобчалар чиқарилиб, хонадон эгасининг эшик ва деразаларига сезилар-сезилмас қилиб улаб қўйилган. Уйни қулфлаб кетаётганингизда, тегишли жойга қўнғироқ қиласизда,

“Мол-мулкимни сизларга, сизларни эса худого тошпирдим” дейсиз-қўясиз. Агар уйингизни ўғри шипшайдан қилиб кетса-ю, соқчилар бундан беҳабар қолипса (амалда бунақаси бўлмайди), шартномада белгиланган қийматни қўртдай санаб беришади. Борди-ю, ўша мослама уларнинг айби билан ишламай қолган бўлса ҳам ўша гап. Хуллас, қафолат билан ишлашади. Пулт белги бердими, дарров хушёр тортиб, қулоқларини динг қилишади. Сизнинг вазифангиз — яна уларга телефон орқали: “Эсон-омон ишлаб қайтиб келдим.

Ўзларингиз элга хизмат қилиб чарчамадингларми?” деб қўйиш. Бундай ширин гаплар бўлмаса, демак, аҳвол чатоқ бўёғини соқчилар яхши билишади.

Гапнинг лўндаси, пулт хонадонлардан бирига ўғри тушганлигини тусмоллади. Дарҳол шошилишч гуруҳ йўлга тушди. Улар орасида милиция кичик сержанти Акмал Сайрамов ҳам бор эди. Техника тўғри тусмоллади: ўғрилар эшикни бузиб киришибди. Милиция ходимлари ҳам ичкарига йўналдилар. Қарашса, юқорида чизилган манзара...

— Хуш келибсиз, меҳмонлар!

Сайрамовнинг овозини эшитган ҳамон ўғриларнинг биттаси яшин тезлигида ўзини чапга ташлаб, ойнани синдирганча деразадан ташқарига отилди.

“Яхши, сени паётда шерикларим кутиб туришибди. Машинага ўтқизиб, “текин сайр” қилдирамиз, — хаёлидан бирровгина ўтказди кичик сержант ва бунисига имлади:

— Сен ҳам деразадан ташлаб юрма тагин...

— Чучварани ҳам санабсан, — ўғри шундай деди-ю, ўзини нариги хонага урди. Акмал ортидан югурди. Бирдан ўқ узилди. Лекин Акмалнинг ҳали жони узилгани йўқ эди. У жон-жаҳди билан қотилга ёпишганча дўстлари ёрдамга етиб келгунча исканжада тутиб турди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг 1983 йил 3 январидagi Фармониға мувофиқ, у (афотидан сўнг) “Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизматлари учун” медали билан мукофотланди.



ола-кула қилганча, маъшуғи томон қўл чўзгандай бўлдию, юз тубан ииклиди.

Ларисанинг ишорасини кутаётган Виктор билан Вали гаражга кириб келишди. Йиқилиб, жон талвасасида ётган Зуфарнинг танасини тегиб нарироққа суришаркан, машина калитини олишди. Учовлан машинага ўтиришаркан, 50 килолик бочкага кўзлари тушди. Ичи тўла асал. Ана омаду, мана даромад. Машина юкхонасига бочкани жойлаштириб гаражни тит-питини чиқара бошладилар. Устига чодир ёрилган 65 шиша ароқни кўрганларида, Зуфарни нишонга олиб адашмаганларига яна бир бор амин бўлишди. Улар машина билан қўшиб ҳисоблаганда жами 76075 сўмлик буюмларни ўмариб кетдилар.

Орадан бир соатлар ўтгач, Зуфар аста-секин ўзига кела бошлади. Гувиллаб оғриётган бошини зўрга кўтарди. Маънисиз кўзлари билан атрофга боқди. Нима бўлганини ҳадеганда эслай олмади. Гавдаси ҳаддан зиёд оғир, калласи тинмай қўқилларди. Шу алфозда анча ўтирди. Карахлик аста-секин чекина борди.

У Марина билан ўтирганди. Ичашаётганди. Ҳа, ҳа, ичаётганди. Лекин қани у?! Кўзлари сузилиб, қаюғимни тўлдириб турган жонон қаёққа кетди? Наҳотки... Унинг кўз олди баттар қоронғиларди.

Бирдан гаражда ётгани эсига тушди. Э, вох, машинам йўқ-ку. Вой...

Қирғули райони ИИБ ходимлари воқеа жойига зумда етиб келишди. Лекин Зуфарнинг аҳволига ҳавас қилгудек эмаслигини кўришиб, "Тез ердам" қақирдилар.

Илгари судланган Виктор Веремейчук хайдовчи бўлиб ишлашига қарамай эски "хунари"ни кўмсайверди. Унинг шум ниятлари ҳеч қаерда ишламайдиган Вали Байтуруннинг ҳам ҳаёлини олди. Икковлон ниятларини пишитиб юрган маҳалда оёқ остида Лариса чиқиб қолди. Ларисанинг "фаолияти" уларнинг кўнглидагидек бўлиб, бунга унинг ўзи ҳам йўқ дея олмади. Хуллас ҳамтовоклар топишишди. Лариса "ўткир дори"ни олди-ю унинг оқибати ҳақида ўйламай "ишга" киришди. Хайрият, Зуфар жисмоний бақувват экан. Йўқса, улар қотилга айланишарди.

Нур БАДИЯ.

О Қ И Б А Т

Улар ҳаётнинг минг сўқмоғидан бирини танлашди. Аммо бу сўқмоқ ниҳоятда қисқа ва уёғи чуқур жарлик эди. Оқибат ўша жарликка қулаб тушдилар.

...Бахтиёр бундан 26 йил аввал Бахмал районининг Калтасой қишлоғида туғилди. Бугун эса, яъни умрининг йигирма еттинчи йилида ўзига яқин, деб билган дўстлари қатори "кесилиб" кетди. Бунинг тарихи қуйидагича.

Ўтган йилнинг 4 август кунидан эътиборан Бахтиёр тубанликка юз тутди. Ўша кун унга яқин танишлари Мамадиёр, Тоҳир, Сафар исмли йигитлар биргаликда галлаороллик ревизорни талашмоқни ният қилишди. Лекин биринчи иш тескари кетди. Ревизорнинг уйида меҳмон бор экан. Босқинчиликни амалга ошира олмаганларининг аламига улар йўл-йўлакай Н. Тожиёвга тегишли автомашинанинг шинасини ечиб олишди.

Орадан саккиз кунни ўтказишиб, яъни 13 август куни Мамадиёрнинг таклифи билан Галлаоролда яшовчи бир татар хотиннинг уйини тунашни мўлжалладилар. Бахтиёрнинг шахсий "Москвич"и узоқни яқин қилди. Келишилган соатда қўлда бензин, бошда аёлларнинг узун пайпоғи билан ичкарига қадам қўйишди.

Бу пайтда татар хотин — Г. Дилмуҳамедова ҳиндистонликларнинг "Дайди" фильмини берилиб томоша қилаётганди. Босқинчиларни кўриб, эсхонаси қиқиб кетди. Пайпоққа суқилган каллалардан бири (Мамадиёр)нинг қўли бўғзидан олганлигини сезиб, дахшати ўн чандон ошди. Ўлим билан таҳдид солаётганларнинг қўлига 2 минг сўм пулини, сирға, тилла узук, соатини тутқазди...

14 август. Янги кун, янги шериклар. Уларга Мамадиёрнинг укаси Маҳмуд, танишлари В. Богомолов, Р. Тавказов, Р. Мусановлар қўшилишди ва дарҳол "сафар" тадориғини кўра бошлашди. Нишон — асаларичилик давлат хўжалиги. Хўжаликнинг директори хатга тушганди.

Тунги соат иккиларда директорнинг уйи олдида "Москвич" овоз чиқармай тўхтади. Директорнинг уйида эса меҳмон бор экан. Режани амалга ошириш кейинги кунга қолдирилди.

15 август. Бахтиёрнинг машинаси яна кечаги жойга қараб гизиллади. Йўлда — "Мингчинор" ошхонасида "бир оз" ўтиришиб, иккита шишани бўшатилди. Бахтиёрга баллон керак эди, биринчи дуч келган, А. Великка тегишли машинани "яримжон" қилиб қўйишди. Шундан сўнггина асосий мақсад сари интилишди.

...Улар уйдан иккита сумкани тўлдириб чиқишди. Уй эгалари "оҳ" дейишга ҳам улгуришмаган чоғи.

18 август. Гуруҳ сони биттага кўпайди. Аслиддин отли йигит (Маҳмуднинг таниши) шерикликка қабул қилинди. Шу куннинг ўзидаёқ улар Бахмал районининг Мўғол қишлоғи томон кетишди. У ёқда ҳам ўзига тўқ "бир одам" бор эмиш.

Хуллас, режа бўйича хонадон соҳибининг исмини айтиб чақирилди. Бу чақирувнинг яхшиликка эмаслигини сезган соҳиб қўшнилари ёрдамга чақира бошлади. Босқинчилар тум-тарақай қочишга тушишди. Маҳмудни эса қўшнилари ушлаб олишди...

Бу ёқда бошқача ҳангома бўлди. Бахтиёр машинасини В. Богомолов ва Р. Мусановларга бериб юбориб, ўзи тўппа-тўғри Галлаорол райони ички ишлар бўлимига мурожаат қилди: "Мени машинамни рус болалар олиб қочиб кетишди!"...

Ушбу жиноятларни очиш жараёни жуда қийин кечди. Биз воқеаларни ниҳоятда қисқа баён қилиб бердик. Аслида ҳар бир жиноятнинг тафсилотини ипидан игнасигача аниқлаш учун қанчалар меҳнат, куч ва вақт сарф этилмиди, дейсиз. Аммо биз буни қаҳрамонликка йўймоқчи эмасмиз. Асло. Мақсадимиз разилларнинг расво ишларидан ҳизми оғоҳ қилиш ҳолос.

Хулоса: 18 август куни Маҳмуд Ёркулов ушланди. У аввалига содир қилган жиноятларини умуман тан олмади. Фақат В. Богомоловдан бошқа барча шериклари тузоққа илингандан сўнггина терговчи олдида бош эгди.

Бахтиёр Қодировнинг ҳам найранги ўтмади. Ўз бошини ўзи кундага қўйиб берди, ҳолос ва суд ҳукми билан 8 йилга озодликдан маҳрум бўлди. Шунингдек, Мамадиёр Ёркуловга ҳам саккиз йиллик қамоқ жазоси тайин қилинди. Маҳмуд Ёркулов ўн бир, Ромзес Товказов тўққиз, Роман Мусанов етти, Тоҳир Нормуродов беш, Аслиддин Нуриддинов саккиз, Сафар Ғафоров уч йилга "кесилдилар" (фақат сўнггиси мажбурий меҳнатга жалб қилиш билан алмаштирилди).

Ҳабибулла МАМАНАЗАРОВ,
Галлаорол райони ИИБ
бошлигининг ўринбосари,
милиция капитани.

Муаллиф изоҳи: ушбу мақола тайёрланаётган пайтда бўлим жиноят-қидирув ходимлари Владимир Богомоловнинг Россия шаҳарларидан бирида қўлга олинганлигини хабар қилишди. Шундай қилиб, гуруҳнинг сўнгги аъзоси ҳам одил суд олдида жавоб беради ва ушбу ишга нуқта қўйилади.

БОШЛИҚ ЗҲР БЎЛСА

Бугунги кунда республикамизда юз бераётган туб ўзгаришлар, сиёсий-юриктидий ислохотлар иш юритишни янгича ташкил этишни, илғор усулларни тезроқ жорий қилишни тақозо этмоқда. Бу вазифаларни бажаришда бизнинг 64/61-ахлоқ тузатиш муассасамизда ишлар тўғри йўлга қўйилган десак хато қилмаган бўламиз. Чунки муассасамизда интизом жуда қаттиқ, маҳбусларнинг ҳар бири иш билан таъминлаб қўйилган. Ишлаб чиқариш бўлимлари пишиқ гишт тайёрлаш билан, тикув цехимиз тикувчилик билан машғул. Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саранжомлашда жуда асқотадиган тўр-сеткаларни 5-туркумнинг 9-бригадаси анча сифатли қилиб тўқиб чиқараётти.

Туркумда 95 маҳбус ишлайди. Уларнинг ҳар бири бир кунда ўн донадан тўр-сетка тўқиб топширишмоқда. Тўққиз ойлик иш мажбуриятини эса алақачон ортиғи билан адо этиб қўйишган.

Бу юмушларнинг бар-

часига туркум бошлиғи ички хизмат кичик лейтенанти Илҳом Саидов бош-қош бўлаяпти. И. Саидов ёш бўлса-да, билимдон, ишбилармонлиги, ҳар бир маҳбуснинг қалбига йўл топа билганлиги сабабли ҳам туркум аъзолари унинг юзини ерга қаратишмаяпти. Айнан Илҳом Саидовнинг ташаббускорлиги билан ишдан сўнгги пайтларда маданий дам олиш тадбирлари, турлитуман қизиқарли учрашувлар ўтказиб турилади. Чунки бошлиқнинг фикрича, маҳбус

қандай жиноят содир қилганлигидан қатъий назар, у ҳам инсон. Ҳаётда биров енгил, биров қаттиқ қоғилади. Бунинг учун унинг юзига бутунлай қора чаплаш инсофдан эмас. Шу туфайли ҳам маҳбуслар ўртасида унинг ҳурмати юксак.

Соатмурод МАВЛОНОВ,
жамоатчи мухбир.

СУРАТДА: туркум бошлиғи ички хизмат кичик лейтенанти И. Саидов маҳбуслар билан.



ТЎҚҚИЗ ОЙ: ЖИНОЯТЧИЛИК ВА

ЖИНОЯТЧИЛИК ТАРКИБИ

Жиноятчилик таркибида 1991 йилнинг шу даврига қиёслаганда сифат ўзгариши содир бўлмоқда: оғир жиноятлар (38,1 дан 40,3 фоизга), шунингдек, жиноят қидирув бўйича рўйхатга олинган жиноятлар (67,8 дан 70,8 фоизга) умумий миқдори сезиларли даражага ўсди. Мол-мулкка таъовуз қилиш (38,9 дан 42,9 фоизга) асосан давлат ва жамият мулкни ўғирлаш ҳисобига 15,7 фоиз кўтарилди (1991 йилда 11,9 фоиз эди). Жиноятчилик умумий таркибида ҳиссаси ўзгармай қолган (37,9 фоиз) шахсий мол-мулкларни ўғирлашнинг деярли ярмини ҳонадонлардан хуфёна ўғирлашлар (1991 йилда 49,2 бўлса, ҳозир 45,5 фоиз) ташкил этди. Иқтисодий соҳасидаги (22,7 дан 22,1 фоизга), шу жумладан, чайқовчилик ҳамда порахўрлик бўйича жиноятлар умумий миқдори камаймоқда. Шахсларга нисбатан таъовуз (10,2 дан 9,1 фоизга), жамоатчилик жойларида (22,8 дан 20,8 фоизга) ва кўчаларда (15,3 дан 13,7 фоизга) қилинадиган жиноятлар бир қадар камайди.

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ЎСИШИ

Рўйхатга олинган жиноятлар умумий миқдори 6,3 фоизга, шу жумладан, оғир жиноятлар 12,5 фоизга ўсди. Жиноят қидирув бўйича, айниқса, тез ўсиб (+11,1 фоиз), 50 мингга яқинлашди, шу жумладан, ўта хавфли жиноятлар табиати тез ўзгармоқда (+11,4 фоиз).

Қасддан қилинган қотиллик (828; +12,5 фоиз), давлат ва ижтимоий мулкни ўғирлаш (7770; +46,9 фоиз) кўп рўйхатга олинди. Айниқса, дўконлар ва бошқа савдо

манзилларидан ўғирлашлар (1537; +91,2 фоиз), фуқароларнинг шахсий мулкларини (18755; +11,0 фоиз), шунингдек, ҳонадонлардан ўғирлаш (9218; +20,0 фоиз), фирибгарлик ходисалари (709; +4,6 фоиз) ва жиноий жазоланадиган безориликлар (2423; +1,5 фоиз) анча кўп содир бўлди.

Жиноятчиликнинг ўсишидаги салбий ҳолатлар жиноят қилишга мойил шахслар фаоллигида бўлаётганлиги вазияти янада чигаллаштирмоқда: балорагга етмаганлар томонидан қилинган жиноятлар 14,1 фоизга, илгари судланганлар томонидан 4,9 фоизга, уларнинг гуруҳларда иштирок этиши 37,6 фоизга кўпайди.

Айни пайтда оператив вазиятда баъзи бир ижобий ҳолатлар ҳам кўзга ташланмоқда: оғир тан жароҳати етказиш (-13,8 фоизга), ор-номусга таъовуз (-12,6 фоизга), босқинчилик (-3,3 фоизга), ўлим билан тугаган автоҳалокатлар (-21,5 фоизга) бир мунча камайди. Жамоат жойларида (+1,0 фоиз), шу жумладан, кўчаларда (-0,3 фоиз) рўйхатга олинган жиноятлар сони деярли ўзгармади. Кайф ҳолдаги шахслар томонидан жиноят қилиш (-7,4 фоиз) ҳоллари ҳам анча камайди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ВИЛОЯТЛАРДАГИ МУҲИТ ҲОЛАТИ

Жиззах (-2,5 фоиз), Навоий (-5,0 фоиз) ва Қашқадарё (-10,6 фоиз) вилоятларидан ташқари жумҳуриятимизнинг барча минтақаларида жиноятчиликнинг ўсиш ҳоллари кузатишмоқда. Рўйхатга олинган жиноятларнинг кескин ўсиши, айниқса, Фарғона (+24,5 фоизга), Наманган (+22,5

фоизга) ва Хоразм (+21,7 фоизга) вилоятларида кузатишмоқда. Айни шу ерларнинг ўзида жиноий қидирув йўли билан эътиборга олинган фуқуқбузарлик жиноятлари (+37,6; +37,9; +57,9 фоиз) кўп содир этилмоқда.

Хоразм, Фарғона, Наманган вилоятларида хизмат кўрсатаётган ИИБнинг объектларида оғир жиноятлар (мос равишда 98,0 фоизга, 79,3; 43,7; ва 41,1 фоиз) тез ўсмоқда, шунингдек, жиноят қидирув бўйича (2,1 марта, +64,8; +43,7; 43,1 фоизга) кўпайган.

Қасддан қилинган қотилликларнинг олдини олиш Наманган (қотилликлар сони 66,7 фоизга ўсган), Фарғона (+39,7 фоиз) ва Самарқанд (+28,6 фоиз) вилоятларида, ИИБ объектларида (+7 марта) ва Сурхондарё вилоятида (+40,6 фоиз). Оғир тан жароҳатлари етказиш, Сирдарё (+63,6 фоиз), Наманган (+54,6 фоиз), Андижон (+35,3 фоиз) вилоятларида ор-номусга тегиш, Сурхондарё (+2,6 марта), Хоразм (+2,4 марта) вилоятларида босқинчилик, Хоразм вилояти (+2,7 марта), транспорт объектларида (+78,1 фоиз) ва Қорақалпоғистонда (+56 фоиз) талон-торожлик, жумҳуриятимизнинг барча минтақаларида, айниқса, Хоразм (+2,5 марта), Фарғона (+2,4 марта) ва Наманган (+2,3 марта) вилоятларида давлат ва жамоатчилик мулкни ўғирлаш, Хоразм (+70,2 фоиз), Фарғона (+43,5 фоиз) ва Наманган (+42,8) вилоятларида кишиларнинг шахсий мулкни ўғирлаш ҳолларининг ўта ёмонлиги ташвишлидир.

Рўй бераётган жиноятларнинг олдини олиш тадбирлари ИИБларда қониқарсиз амалга оширилаётганликлари боис

жиноятларнинг ҳар хил турлари, сони тобора ошиб бормоқда. Жумладан, Фарғона вилоятида жамоат жойларида жиноят қилиш (64,7 фоизга), кўча жиноятлари (78,0 фоизга), Сирдарё (+44,4 ва +71,1 фоиз) Хоразм (+34,5 ва +35,3 фоиз), Сурхондарё (+16,3 ва +42,2 фоиз) вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (+13,7 ва +44,3 фоиз) ҳам жамоат жойларида ва кўчаларда жиноят қилиш кучайди.

ЖИНОЯТЛАРНИ ОЧИШ, ҚИДИРУВ

Жиноятларни очиб умумий рақамлари ижобий томонга ўзгараётган бўлса ҳам (29,1 фоиздан 26,0 фоизга), қатор вилоятларда, жумладан, Фарғона (очилмаган ишлар 28,8 фоиздан 31,2 фоизга) кўпайди, Андижон (24,0 дан 25,1 фоизга), Сирдарё (19 дан 21,2 фоизга) ва Наманган (16,5 дан 19,1 фоизга) вилоятларида очилмай қолаётган жиноятлар рақами тобора кўпаймоқда. Бу соҳада энг юқори кўрсаткичлар, шу жумладан, жиноий ишлар бўйича ҳам, Тошкент шаҳар ИИБси (барча йўналишлар бўйича 35,9 фоиз, ЖК бўйича 43,7 фоиз), Навоий (30,5 ва 38,1 фоиз), Фарғона (31,2 ва 40,2 фоиз) ва Қашқадарё вилоятларида (28,6 ва 39,1 фоиз) тегишлидир.

Андижон вилоятини истисно қилганда, деярли барча вилоятларда гувоҳсиз жиноятларни очиб кўрсаткичлари бироз (жиноий ишлар 46 дан 53,2 фоизга) яхшиланмоқда. Бироқ, Тошкент шаҳри, Навоий ва Андижон вилоятларида ҳамон бундай жиноятларнинг ярмидан озроғи очилди.

Оғир жиноятларни очиб Тошкент шаҳрида (49,9 фоиз),

транспорт объектларида (53 фоиз), Бухоро (56,8 фоиз), Навоий (54,1 фоиз), Фарғона (46 фоиз), Андижон (56,6 фоиз), Қашқадарё (51,3 фоиз) вилоятларида республика кўрсаткичидан (57,5 фоиз) орқада қолинмоқда.

Жиноятларни очиб ва тергов қилиш ишларини ташкил этиш аҳволи йилдан-йилга ёмонлашмоқда ва бу соҳада нуқсонлар кўп учрамоқда. Жиноят содир бўлган жойга етиб боришда ўта сусткашлик қилиш ҳоллари ҳамон тугатилгани йўқ. Тезкор-тергов гуруҳларининг таркибини яхшилаш, уларни техникавий воситалар билан таъминлаш ҳозирги замон талабларига жавоб бермаётди. Кўпгина ҳолатларда шомма-шомарлик ёки ходимларнинг касбий тайёргарлиги сустлиги туфайли излар ўз вақтида аниқланмайди ва ўрганилмайди. Воқеа содир бўлган жойларни текширишда милиция участка назоратчилари камданкам қатнашадилар. Жиноятчилар белгилари ва ўғирланган нарсалар ҳақида патрул-пост нарядлари ўз вақтида бохабар этилмайди. Бундай нуқсонлар улар фаолиятининг янада самарасиз бўлишига олиб келмоқда. Жиноий иш қўзғатилгач, жиноятларни очиб кўпгина ҳолларда фақат идоравий ёзишмалардан иборат бўлиб қолмоқда.

Қидирув ишлари ҳам ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди. Қидирув эълон қилинган деярли 2,5 минг (29,5 фоиз) жиноятчи ҳамон очилмади. Дом-дараксиз йўқолган мингдан ошқ кишининг (28,4 фоиз) қаердалиги ҳанузгача номаълум. Бу борада, айниқса, Навоий (қидирилган 58 фоизгина, дом-дараксиз йўқолганларнинг 60,5 фоизи аниқланди, холос), Наманган (65,2 ва 71 фоиз), Андижон (65,5 фоиз), Бухоро (65,5 фоиз) вилоятларида ва Тошкент шаҳрида (68,3 ва 63,1 фоиз) ташвишли вазият вужудга келди.

ЖИНОЯТЧИ ШАХСЛАРНИ ТАВСИФЛАШ

Жиноятларни содир этишда иштирок этганлар орасида ҳамон ҳеч қаерда ишламайдиган ва ўқимайдиган шахслар кўпчилигини ташкил этмоқда ҳамда уларнинг умумий миқдори 24,4 фоизга етди (1991 йилда 19,5 фоиз эди). Уларнинг мулақ рақами эса 1,4 марта кўпайди. Кейинги ўринларда гуруҳ бўлиб таъовуз қилувчи

АВЛОД — ЖАМИЯТ ТАҚДИРИ

Тақчиллик ҳамisha тўқчиликка соя солиб келган. Бироқ инсон иродаси, онг ва шури ҳар қандай чигалликларга қарши янгича қараш орқали мураккаб вазиятни юмшатишга, барқарорликка асос солишга омил бўлган. Дарҳақиқат, кейинги йилларда вояга етмаган ешлар ўртасида жиноятчиликнинг ўсиши барчамизни сергақ этиши табиий. Биз бугунги авлодга бефарқ қарашимиз келажакимизга тош отиш билан баравар эканлигини унутиб қўймаслигимиз керак. Кўпинча мени бу борадаги муаммолар таажжубга солади. Ахир мактаб-партасиданоқ болаларга эзгуликдан сабоқ берамиз, кўп китоб ўқишга даъват этамиз. Лекин шундай бўлса-да, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликка қўл уриш ҳоллари кўпайиб учрамоқда. Албатта, муаммолар ечими мулоҳазалар орқали ечилади. Аксарият ҳолларда болаларга ишонмаймиз. Улар бирон бир ишга қўл урса, қўллаб-қувватлаш ўрнига панд беришдан ишни бошлаймиз. Қарабсизки, уларда ўзгаришлар рўй беради. Мактабларда фақат болани ўқиш эмас, балки уни юксак ҳулқ

эгаси қилиб тарбиялашга алоҳида эътиборни қаратмоқ лозим. Ота-она назоратидан четда қолган бола кўча-қўйда турли саяқ болалар ўртасига тушиб қолиши мумкин. Оқибатда унда енгил ҳаётга кўнма ҳосил бўлади. Айниқса бўлмағур ишларга қўл уриши туфайли ёмон иллатларни ўзида ўзлаштиради. Афсуски, айрим ҳолларда ота-оналар, педагоглар ўртасида ҳали ўзлари тарбияга муҳтожлари учраб туради.

Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси вояга етмаганлар билан ишлаш инспекцияси балоғатга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятнинг олдини олишда бир қатор амалий ва ташкилий чора тадбирларни амалга оширмоқда.

Район ва шаҳарларда жойлашган мактаб, хунар-техника билим юрлари ўқувчиларига ҳуқуқ-тартибот соҳасидаги янгиликлар, жиноятнинг зарарли оқибатлари ҳақида суҳбатлар, савол-жавоблар уюштирилмоқда.

Ушбу йилнинг 9 ойи мобайнида улар ўртасида ҳуқуқбузарлик содир қилган 1854 нафар ўсмир рўйхатга олинди. Уларнинг 448 нафарига нисбатан тўпланган материаллар

ҳокимлик ҳузуридаги балоғатга етмаганлар билан шугулланувчи комиссия ихтиёрига ҳавола этилди. Қамаш, Ульянов, Муборак ва Китоб районларида икки бараварга жиноятнинг ўсиш ҳоллари кузатилди. Албатта бунга, ҳозирги иқтисодий танглик сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Баъзида мактаб маъмуриятининг эътиборсизлиги, айрим ота-оналарнинг ўз фарзандларига шафқатсиз муносабатда бўлиши оқибатида болаларнинг ўз жонига қасд қилиши еҳуд уйдан кетиб қолиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Вояга етмаганларни ижтимоий фойдала меҳнатга жалб этиш, ишга жойлаштириш фақат маърузаларда бўй кўрсатадиган аслида амалий ишлар қилинмайди. Натижада юқоридаги каби дилни ранжитадиган фактлар юзга келмоқда.

Нишон районидаги Нодира номи мактабининг ўқитувчилари Гулмурод Холиқов ва Муродулло Эшқуловлар ўзаро жиноий тил бириктириб, қўшнисининг бир бош молини ўғирлашиб фойдага тушган 7500 сўмни "арра" қилишди. Улар устидан жиноят иш қўзғатилди.

Бундай "устоз"лардан ўрнак олган ўсмирлар темир-бетон деворни тешиб, хурмача қилиқлар қилмайди деб ким қафолат беради?

Ульянов районидаги Усмон Юсупов номи мактаб ўқувчиси Фуркат Хамроев тоғаси ва отаси билан бирга Касби кишлоғида яшовчи Ж. Лутфуллаевнинг бир бош қорамолини ўғирлайди. Бу учала ҳамтовоннинг сири фош бўлди. Қуш уясида қурганини қилади, деган ажойиб нақл бор. Ота ва боланинг ўғирлик қилиши ҳеч бир ақлга сиймайди.

Дехқонбод районидаги Г. Юсупов номи мактаб ўқувчилари Т. Каримов, Н. Кўчимов, А. Абдуллаев, С. Нуруллаевлардан иборат жиноятчилар гуруҳи Дехқонбод поселкасида жойлашган дўконга ўғирликка тушиб, давлатнинг 42 минг сўмлик молини ўмариди. Улар суд ҳукми билан жиноий жазога тортилдилар.

Китоб районидаги Куйбишев номи мактабда таҳсил олган Улугбек Имомов, "Дўстлик" маъий хизмат кўрсатиш корхонасига қарашли бичиш-тиқиш цехининг деразасидан ичкарига кириб жами 8654 сўм 54 тиынлик моддий жабобгарликда бўлган буюмларни ўғирлаган.

Албатта, жиноят жазосиз қолмайди. Шундай экан,

фарзандларимизни текинхўрлик кўчасига кириб қолишдан асраш учун оила ва мактабда назоратни кучайтириш лозим. Йўқса, ўрганган кўнгул ўртанса қўймас, деганларидек ўғирликнинг ҳадисани олган ўсмирни бу нопок йўлдан қайтариш кеч бўлади. Бу борада оила ва мактаб ҳамкорлигини уйғунлаштириш, турли қизиқарли кечалар ташкил қилиш, меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда мактабларда байналмилал ҳаракатлар суёт торган, тўғарақлар иши номига ўтказилмоқда. Болалар ва ўсмирлар қалбига эзгулик-тамал тошини қўймас эканмиз таълим тарбия соҳасида жон куйдиришимиз елга учини табиий. Авлод тарбияси энг муҳим тарбия эканлигини унутиб қўйишга маънавий ҳаққимиз йўқ.

Н. САХАТОВ,

Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси вояга етмаганлар билан шугулланувчи инспекцияси бошлиғи, милиция майори.

Ў. ҲАЙДАРОВ,

вилоят ички ишлар матбуот шўъбаси катта назоратчиси, ички хизмат катта лейтенанти.

УНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ ОМИЛЛАР

жиноятчилар (22,9 фоиз; 1991 йилда 19,7 фоиз), сўнгра аёллар (13,4 фоиз), жиноят содир этиш пайтида кайф ҳолда бўлганлар (10,7 фоиз), балогатга етмаганлар (9,4 фоиз) ва илгари суддаланганлар (9,3 фоиз) бормоқдалар.

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Республика ички ишлар органларининг огоҳлантириш ва профилактика фаолияти жиноятчиликнинг ҳолатига бирон-бир даражада таъсир этувчи омилга айланган, деб бўлмайди. Жиноят-қидирув бўйича атиги 591та жиноятнинг олди олинди, холос. Мутлақ рақамнинг қисқариши кузатилаётган бўлса ҳам (-7,7 фоиз), уларнинг умумий сони сезиларли даражада (1,4 дан 1,2 фоизга) камайди. Навоий (атиги 2та жиноят олди олинган), Бухоро (5), Сурхондарё (6), Хоразм (8) вилоятларидаги кўрсаткичлар тилга олишга ҳам арзимоиди. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш хусусида ҳам юқоридаги гапларни айтиш мумкин. Уларнинг сони 1444 бирликка (-10,4 фоиз), умумий мақдори эса (10,8 фоиздан 9,4 фоизга) пасайди. Бундай жиноятларнинг олдини олиш Самарқанд (25), Навоий (27) ва Қашқадарё (38) вилоятларида жуда кам бўлди.

Жиноятга мойил шахслар орасида профилактика ишларини олиб боришда ҳам жиддий камчиликлар бор. Ҳуқуқбузарликда ёшлар фаолиятининг ошиб бораётганлиги шундан далolat беради. Балогатга етмаганлар иштирок этган жиноятларнинг умумий сони 14,1 фоизга кўпайди. Бу жараён, айниқса, Сирдарё (жиноятлар сони

2,1 марта ўсди), Сурхондарё (+67,1 фоиз), ва «Фаргона» (+45,2 фоиз) вилоятларида илдамлаб бормоқда. Қамок жазосига ҳукм қилинганлар тарбияси билан ҳибс жойларида хўжа кўрсинганга ина шуғулланишлик ва эркинликка чиққанларидан сўнг улар тақдирга лоқайд қарашлиу оғир жиноятлар ўсишига (+4,9 фоиз) олиб келмоқда. Жиззах (+48,8 фоиз), Фаргона (+37,5 фоиз), Хоразм (+18,8 фоиз) вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги (+18,7 фоиз) аҳвол фикримизнинг далили бўла олади.

ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР

Иқтисодиёт соҳасида рўй бераётган жиноятлар оператив вазиятнинг умумий ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳар қандай нопок йўл билан бойлик орттириш иллати тобора авж олмақда. Уюшган жиноятчилик шакллари ривожланмоқда ва кўпаймоқда. Айрим ерларда улар бешинчи ҳокимиятга айланмоқдалар.

Десак-демасак, уларнинг ҳаммаси иқтисодиёт билан боғлиқ бўлиб қолмоқдалар ва катта миқдорда сармоя орттирмоқдалар.

Ички ишлар органлари томонидан атиги 3,4 фоиз жиноятларнинг оқилганлигини иқтисодий суниестемолликлар тўлкини хуружини тўхтата оладиган тадбир дея олмаимиз. Боз устига республикамизнинг қатор минтақаларида бу соҳадаги жиноятларни очиб кўрсаткичлари жуда пасайди. Бу рақамлар Навоий вилоятида 17,3 фоизни, Қашқадарёда 7,5 фоизни, Хоразмда 1 фоизни, Қорақалпоғистонда 5,4 фоизни

ташқил этди, холос.

Жиноий ишлар кўзгаш сони Навоий (-7,8 фоиз), Хоразм (-3 фоиз), Фаргона (-3 фоиз) вилоятларида ва Қорақалпоғистонда (-1,8 фоиз) озаиди. Жиноий қидирувларда +9,6 фоиз бўлди. Сирдарё, Жиззах, Бухоро ва Навоий вилоятларида талон-торожликлар жуда камдан-кам аниқланаётди (уларда тегишинча 1,2; 3,3; 5,5 ва 20,6 фоиз бўлди). (Жиноий-қидирув бўйича +7,4 фоизни ташқил этди).

Қатор минтақаларда чайқовчилик сингари иллатларга ўта лоқайдлик билан муносабатда бўлинмоқда (жиноий-қидирув -3,4 фоиз). Порахўрликка қарши эса мутлақо курашилмаётди. Аниқланган далиллар даражаси самараси (44,9 фоизга) жойларда, жумладан, Сурхондарё (-100 фоиз), Самарқанд (-94 фоиз), Жиззах (-71,4 фоиз), Наманган (-66,7 фоиз), Андижон (-40 фоиз), Қашқадарё (-33,3 фоиз) вилоятлари ҳамда Тошкент (-60 фоиз) шаҳрида ниҳоятда пасайиб кетди. Айтайлик, Сурхондарё вилоятида тўққиз ой давомида биронта ҳам жиноят аниқланмади. Навоий ва Жиззах вилоятларида атиги 2 та, Самарқанд вилояти ҳамда транспорт ички ишлар бошқармалари хизмат қиладиган манзилгоҳларда бор-йўғи 3 та факт аниқланди.

АВТОМОБИЛ ЙЎЛЛАРИДА ҲАЛОКАТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАШ

Республика Давлат автомобил нazorати ходимларининг саъй-ҳаракатлари, ташкилий ва профилактик ишлар даражасини

бирмунча юқори савияга кўтаришлари натижасида йўл-транспорт ҳодисалари сони 17,8 фоизга камайди. Автофалокатларда ҳалок бўлганлар (-14,8 фоизга) ва жароҳат олганлар сони (-16,6 фоизга) озаиди. Йўл-транспорт ҳодисаларида болалар жароҳатланиши (-13,1 фоизга), ҳалок бўлиш (-6,4 фоизга) ва жароҳатланиш (-16,4 фоизга) пасайди.

Ёнғин чиқиш ҳоллари (-18,8 фоизга), шу жумладан, турар-жойлардан -16,8 ҳамда ишлаб чиқариш объектларида (-19,2 фоизга), базалар, омборлар, савдо манзилгоҳларида (-18,3 фоизга) ўт чиқиши озаиди. Ёнғин пайтида ҳалок бўлиш кўрсаткичлари 23,4 фоизга пасайди. Лекин, шунинг ҳам айтиш керакки, нарх-наволарнинг ҳаддан ташқари ошиб кетиши йирик ёнғинлар (+2,9 марта кўп) чиқишига сабаб бўлди. Оқибатда белгиланганидан 55,2 миллион сўм

(4,2 марта) кўп зарар кўрилди.

ХУЛОСАЛАР ВА ТАКЛИФЛАР


Жиноятчиликнинг авж олиши мол-мулкка тажовуз қилиш ҳамда зўравонлик йўли билан амалга оширилаётган жиноятлар ҳисобига ошиб бормоқда. Ҳуқуқ бузувчилар сафи балогатга етмаганлар доирасидан оқиб келаётган «янги куч»лар эвазига кенгаймоқда. Бундай ҳолатлар зўравонлик қилиш ва гуруҳ бўлиб жиноят қилишлар билан биргаликда оператив вазиятга ниҳоятда салбий таъсир этиши табиийдир.

Иқтисодиёт соҳасида жиноятчиликка қарши кураш борасида олиб борилаётган ишлар ва жиноятларнинг олдини олиш тадбирлари шу кун талабига жавоб бермайди ва бу жабҳада кескин ўзгаришлар ясашни тақозо этмоқда.


Шу мақсадда ички ишлар органлари ва бўлинмалари тахли-

ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЧИЛИК БУНАВИШИ ТАҚДИРИ


1992 йил 9 ой ичида




ЖИНОЯТЧИЛАК ДИНАМИКАСИ




ЖИНОЯТЧИЛИК ДИНАМИКАСИ



ЖИНОЯТЧИЛИК ДИНАМИКАСИ



ЖИНОЯТЧИЛИК ДИНАМИКАСИ



лий хулосалардан келиб чиқиб, ўз кучлари ва воситаларини қайта сафарбар этишлари ҳамда мол-мулк ўғирлашларга қарши, иқтисодиёт соҳасидаги суниестемолчиликларга чек қўйиш, жиноятчи гуруҳлар пайини қирқиш борасида самарали амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқишлари ҳамда ҳаётга татбиқ этишлари лозим. Балогатга етмаганлар тарбияси билан алоҳида шуғулланиш, қамок жойларидан келганлар тақдирига лоқайд бўлмаслик — шу куннинг далзарб муаммолари ҳисобланади. Ички ишлар идораларининг барча бўғинларида ташкилий — тарбиявий ишлар савиясини юқори поғонага кўтариш — биринчи галдаги вазифадир.

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ ШТАБИ

ҲАҚИҚАТСИЗ ЯШАБ БЎЛМАЙДИ

Бу воқеа Наманган вилоятининг Ҳаққулбод шаҳрида бўлиб ўтган. Р. исмли шахс аввалги жинояти учун берилган қамок жазосини ўтаб чиққандан кейин ҳам ўнганмади. Кўпчилик у ҳақда безорилик қон билан кирган шекилли, деган гапни айтди.

Кунларнинг бирида у бегуноҳ кишига пичок уриб, кўздан гойиб бўлди. Прокуратура ҳамда ички ишлар ходимлари воқеа жойига зумда етиб бориб, барибир кечикканларига икror бўлишди. Узоқ саъй-ҳаракатлардан сўнг унинг қаердалиги аниқланди. Аммо шу кунгача қилинган ҳаракатлар бир бўлдию-уни кўлга олиш бир бўлди. Жиноятчи кўлида ўткир тигли ойболта, «Яқинлашганимни чопиб ташлайман!» — деб таҳдид соларди. Бундай шароитда қайси жонидан туйган унга тир борарди, дейсиз.

Аммо шу ерда ҳайратдан ека ушлайдиган воқеа содир бўлди. Малика опа шахдам қадамлар билан унга қараб бордию кўлини чўзди. Қаловланиб қолган Р. эса ўзи билмаган ҳолда совуқ қуролни тутқази.

Ҳозирги пайтда Андижон шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси лавозимида хизмат қиладиган Малика

опа Мамадалиева билан учрашгандаги биринчи саволим шу ҳақда бўлди.

— Ушанда кўзлари қонсираб турган жиноятчиға тикка боришға кўрқмадингизми?

— Тўғриси айтганда, бир оз кўрқдим. Лекин бошқа илож йўқ эди. Биламан, барибир милиционерлардан кимдир бу ишға кўл урарди. Аммо оқибати хунук бўлиши кўпроқ ҳақиқатға яқин эди. Энди ўзингиз уйлаб кўринг: шунча эркак турганда, қонхўрга аел киши яқинлашса!

Биласизми, сизу мендаги аеллик журъати баъзи ҳолларда ҳар қандай қуролдан ҳам қудратлироқдир.

Мавзудан чекинаётган бўлсам ҳам айтиб қўяй: опа билан сўхбат жараёнида оразимдаги қасб соҳиб бўлишға эриша олмаганидан гоят ўқиндим. Негаки мен ҳам ҳуқуқ-тартибот химоячиси бўлишни хаёллардим. Аммо турмуш ташвишлари... Инсон ниятига етишиш учун тинмай курашиши, тақдир қийинчиликларига бўйин эгмаслиги керак экан.

— Ҳуқуқшунос бўлишға дастлаб сизни нима ундаган? — дейман ҳавасдан хил кизариб.

— Қизиқиш-да, — деб кулади опа ва бир неча сониялик сукутдан кейин

ешилигини эслай кетади.

Малика опа асли хонободлик. Уша пайтларда аммаси Улфатой ая Фозилова район халқ судида ишларди. Эҳтимол ешгига қизалоқнинг мурғак қалбиде бу қасбға муҳаббат учқунини ўша аммаси алағалатгандир. Опа бўш вақт топди дегунча аммаси ҳузурига шошилар, нима иш буюришса бажарар, кўпинча хатларни саралаш билан машғул бўларди.

— Тўққизинчи синфни битириш арафасида турганимда, ота-онам мени турмушга бермоқчи бўлаётганларини эшитиб қолдим, — деб кулади опа, — аммамининг уйдан ва ишхонасидан паноҳ топдим.

Фараз қилиш мумкин: ҳойнаҳой Улфатой ая жиянидаги адолатга, ҳақиқатга ташналикни кўриб, келгусида ундан яхши бир ҳуқуқ химоячиси чиқишиға ишонгандир. Ҳар ҳолда Улфатой ая унда ана шу ҳислатлар куртакларини тарбиялаб ўстиришға ҳаракат қилди.

Малика опа 1964 йили Тошкент давлат дорилфунунининг ҳуқуқшунослик кулиетига ҳужжатларини топширди, аммо бу сафар омад кулиб бoқмади. Факат келгуси йилдагина шу билим даргоҳининг сиртки бўлими талабаси бўлди. Эндиликда унинг масъулияти

янада ошди: ҳам ўқиш керак, ҳам ишлаш.

— Бу бир томондан яхши ҳам эди, — дейди опанинг ўзи. — Чунки назариятни амалиёт билан қўшиб олиб боришмға имкон берарди.

1968 йилда уни вилоят прокуратурасига тақлиф этишди. Кейинроқ эса оператив ишларда ўз иқтидорини синаб, кўришға рухсат беришди. Бу соҳада аёллар кам эди, шу боис асосан эркаклардан сабоқ олиб ўрганишға тўғри келди. А. Азимов, М. Аврукин, Э. Нишонов, А. Рузиевлар шу аснода унинг учун отадек меҳрибон устозларига айландилар. Уларнинг ҳар бири энди ўсиб-ўлғайиб келаётган қизгинадан тиришқоқликни, ҳар бир ишға қасб ва меҳр билан қарашни, унинг ҳар бир ҳатти-ҳаракати бир инсон тақдирини ҳал этишда муҳимлигини унутмаслики талаб қилишарди.

Ўз навбатида у ҳам доимо устозлар ўғитиға жон қулогини берар, ҳақиқат учун курашишни ўзига шиор қилиб олганди.

— Шу кунларда бепоён юртимизнинг турли бурчакларида хотин-қизлар ўз жонларига қасд қиладиганликларини эшитиб қоламиз, — дейди опа ўзи ҳақида гапиришни тўхтатиб. — Вой худойим, бу нима деган гап? Аввало ўз жонига қасд қилиш — мардлик эмас, иродасизлик, енгилтақлик. Иккинчидан, ҳар бир эркакнинг ҳам онаси, опа-сингиллари,

рафикаси бор. Буни эсдан чиқармаган ҳолда танишми-нотанишми, аёлларға гапхўрлик қилишлари керак.

Ҳозир мен ҳукумат ҳамда Президент томондан чиқарилаётган қарор ва Фармонларнинг ижро этилишини назорат қилиб борапман. Шунақа ҳолатларға дуч келяпманки, айрим раҳбарлар Мома Ҳаво авлодлари бўлиш бугунги кун аёлларига-да паст назар билан қарашаркан. Ундайлар азалдан аҳли оғиза ҳисоблаб келинган қиз-жувонларға эркакларниқидан фарқли ўлароқ шарт-шароит яратиб бериш ўрниға, «Уйингда болаларингни боқиб ўтирсанг бўлмайди?» қабилидаги гапларни айтишға-да андиша қилишмас экан. Ўзингиз бир мулоҳаза юритиб кўринг: аксарият аёлларимиз турмушдаги етишмовчилик сабаб давлат қорхоналарию муассасаларида ишлашмаяптими? Устиға устак эри бўлса-да, рўзгор ташвишларини ортмоқлаб олганлар ҳам борку!

Назаримда, энг улкан ҳақиқатсизлик — мана шу!

Тан олиш керак, опанинг рўзғорида ҳам етишмовчиликлар бўлиб туради. Ҳеч нарсаса зорикмайдиган, рисоладагидай оилани топиб бўлмайди. Начора, чидаш керак. Улгуриш керак ишғаю турмуш қийинчиликларига ҳам.

Жамила МАТМУСАЕВА.

Жаҳон адабиёти хазинасидан

(Давоми. Боши газетанинг 64-95 сонларида чоп этилган).

— Герман Жефферсонни билармидингиз?

— Ҳа, билардим. У икки ҳафта илгари ҳалок бўлган.

— Унинг хотинини танирмидингиз?

— Ҳа, албатта. Улар никоҳдан ўтишганларида гувоҳ бўлганман.

— Герман қайси маблаг ҳисобига кун кечирарди?

— Ўзингиз қимлигингиз ва бу ерга нима учун келганингизни айтганингиз, балки саволларингизга жавоб берарман, — деди у ҳамон хушмуомалалик билан жилмаяр экан.

— Жефферсоннинг отаси менга баъзи нарсаларни аниқлашни топширган, — жавоб қилдим мен. — У ўгли уйдан кетгандан сўнг қандай яшаганини билмоқчи.

У савол аломати билан қошларини чимирди.

— Нима учун?

— Билмайман. У хизматларим учун ҳақ тўлаган, шунинг учун уни қизиқтираётган ахборотларни тўплашим керак. Сиз айтиб берадиган нарсалар учун ҳам ҳақ тўлайман.

— Қанча тўлайсиз? — деди у ишва билан.

— Тўланадиган пул миқдорини олинган ахборот ҳажми белгилайди.

— Сизни у турмуш кечириш учун қандай пул топгани қизиқтирадими? — сўради юзини буриштириб. — У ҳеч қачон ишлаб пул топмаган. Жо-Эннинг тўртиб олар эди.

— Лейла исмли қизни билармидингиз?

— Билардим. У Жо-Эн билан яшарди.

— Лейла Жефферсон Репала-Бейда ҳашаматли виллани ижарага олган, деган эди.

На Хай Тон бошини орқага ташлаб қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Унинг кулгуси завқли, бўйни эса жуда чиройли эди.

— Унда ҳатто "Самовий салтанат"да кичикроқ кулбани ижарага олиш учун ҳам пул бўлмасди. Бу шахс хўрматга лойик эмасди. Росмана фирибгарнинг ўзи эди.

— У гиёҳванд моддаларни сотувчилар билан алоқадор эди дейишганди, — дедим эҳтиёткорлик билан.

Бу сўзлар таъсир қилди. Қиз сергак тортиб, юзидан кулги йўқолди.

— Гиёҳванд моддалар олиб-сотилиши ҳақида ҳеч нарса билмайман. — Мен биласиз деганим йўқ-ку. У Кантондан Гонконгга героин олиб ўтганиги ҳақида ҳеч нарса эшитганимиз?

— Эшитмаганман.

— Френк Беллинг бу иш билан шугулланган.

— Бу ҳақда ҳеч нарса билмайман, — у диққат билан менга қаради, хўмрайган эди пешонасида ажинлар пайдо бўлди.

— Сиз Беллинг билан таниш бўлгансизку?

— Уни бир марта кўрганман...

— У Жефферсоннинг дўсти эди-ми?

— Балки. У ҳақда ҳеч нарса билмайман.

— Мен кейинчалик Жефферсон хотинини ташлаб, Репала-Бейдаги ўша виллани ижарага олган, деб эшитувдим.

У типирчилаб қолди.

— У то ўлимига қадар Жо-Эн билан "Самовий салтанат"да яшаган. Ҳеч қачон Репала-Бейда виллага эга бўлган эмас.

Сигарет тақлиф қилгандим, у рад этди. Бир зумча бор нарсалар ҳақида сўраппманми ўзи, деган шубҳага бордим. Лейладан бошқа ҳамма бир хил гапирмоқда. Лекин елғиз Лейла тўғри гапирган, бошқалар эса мени алдашмоқда деган фикр онгимга қаекдан ўрнашиб қолди, бўлмаса?

— Келинг Жо-Эн тўғрисида гаплашайлик, — тақлиф қилдим мен.

— Уни яхши билармидингиз?

— У менинг энг яхши дугонам.

Америкага кетиб қолганида кўнглим анча ғаш бўлди. Ундан хат кутипман. Мен ҳам ўша етказиш учун ҳаммасини тўғрилаган ваъда берган эди.

Бир дақиқа иккиланганимдан сўнг таваккал қилиш қарорига келдим.

— Демак, сиз ҳеч нарса билмайсиз-а?

— Билмайман... Нимани билмайман?

— Унинг ўлганини.

У менга худди тарсаки еган одамдай қараб қолди. Кўзлари

катталашиб, кўлларини кўксига қўйди. Мен диққат билан уни кузатардим. Йўқ, бу ўйин эмасди. Сўзларим уни ларзага солганди.

— Ўлди? Нимадан? — хириллаб сўради у. — Нима воқеа рўй берди?

— Уни Пасаденага келганидан сўнг бир неча соат ўтгач ўлдиришган.

Қизнинг юзи хиралашиб кетди. Бошқа ибора топиш мушкул. У гужанак бўлиб олди ва энди кўхлик бўлиб кўринмасди.

— Ёлгон гапираяпсан? — деди у нотабий бўғик овозда.

— Бу ҳақиқат. Полиция қотилни изламоқда.

У юзини кўллари билан тўсди. Йиллаб юборди.

ГОНКОНГДАН ЖЎНАТИЛГАН

ТОБУТ



— Кет, — ингради қиз. — Кетинг, илтимос.

— Тинчланинг. Сизга шунчалар қайғули хабар айтганим учун афсусдаман. Мен ҳам унинг қотилини излаб юрибман, менга ерданингиз тегизи мумкин. Кулоқ солинг...

У сакраб ўрнидан турди-да, югурганича кўшни хонага кириб, эшикни қарсиллатиб епди. Бир оз иккиланиб тургач, йўлакка чиқиб, эшикни беркитдим. Лифтда бир қават пастга тушиб, кулоқ солиб кута бошладим. У эшикни очиб, қайтадан епганини эшитдим. Шарпа чиқармай зинадан кўтарилиб, тўқ қизил эшик енида кулоқ сола бошладим. Бир неча дақиқа ўтгач, телефон шикирлаши эшитилди. У паст овозда, жуда тез гапирар, сўзларини англаб бўлмасди. Телефон трубкасини кўйганидан сўнг зинадан пастки қаватга, ундан эса лифтда биринчи қаватга тушдим.

Одам тўла кўчанинг нариги томонида дўконлар қаторлашиб турарди. Уларнинг бирига кириб, ўзимни фотоаппаратларни кўздан кечираватган киши қиёфасига солдим.

Кўнглим йирик ўлжандан далолат бериб турарди, лекин ўн дақиқалар чамаси ўтгач, кутишим бекор эмасмикин деб иккилана бошладим. Ҳаммаси куриб кетсин, дея энди кўчага чиқмоқчи бўлганимда, у пайдо бўлди. Агар диққат билан кузатганимда қизни танимаган бўлардим: эгнига дехконлар иш пайтида киядиган калта камзул ва кенг кўпол шим кийиб олганди. На Хай Тон аввал ўнгга, сўнгга чапга қараб олди-да, кейин шитоб билан соҳил томонга қараб кетди. Изидан тушдим. Такси тўхтайдиган жойда ҳайдовчи билан алланарсалар ҳақида гаплашиб олгач, машинага ўтирди. Улар машиналар оқимида гоийб бўлишларига сал қолди.

Омадим келиб қолди. Навбатдаги таксичи бир оз инглизчани билар экан. Мен унга йигирма долларлик қозғоз кўрсатиб, аввалига машина ортидан юришни буюрдим. У оғзи кулогига етганига рози бўлганини билдириб, бош силкитди ва мен машинага ўтиришим билан эллик газлар нари кетишга улгурган таксининг изидан кетди.

Солга ўтириладиган жойда На Хай Тон таксидан тушди. Бир оз нари кетишни кутиб турдим-да, ваъда

қилган пулни тўлаб орқасидан юра бошладим. У солнинг пастиди қолди. Мен тепасига чиқиб кетдим. Сол бизни Каулун бандаргоҳига, Кай-Тэк аэропорти яқинига олиб келди.

Пастга тушгач, урикша олди. Мен пиеда юрсам хавфсизроқ ва қулайроқ бўлади деб ўйладим. Лекин рикшанинг тезлигини ҳисобга олманган эканман, йўқотиб қўйишимга бир баҳа қолди. Етиб олиш учун ўнг-сўлимдаги одамларни турганимча югуриб кетдим.

Қиз одамлар тўла тор кўчалардан бирида рикшага жавоб бериб юборди.

Гонконгнинг бу қисми том маънода хитойликлар даҳаси эди. Ўз

нечта кир пиёла. Девордаги илгакда исқирт сочик илғилик, пастда тос ва кўза.

Ерда чўккалаб ўтирган икки киши киришим билан менга қарашди. На Хай Тонни танидим. Иккинчиси тор елкали, озгин эркак бўлиб, эгнига кир хитойча либос, бошига шапка кийиб олганди.

Дастлаб уни хитойлик деб ўйладим, лекин тикилиб қараганимдан кейин у овруполик эканлигини англадим.

На Хай Тон кўрққанидан қичкириб юборди. Ҳалиги эркак қўли билан унинг оғзини беркитиб, бир турган эди, қиз ерда чўзилиб қолди.

— Жирканч манжалаки! — деб ўкирди эркак ўрнидан турар экан. — Уни тўппа-тўғри бу ерга бошлаб келибсан! Йўқол!

— Марҳамат, кираверинг, — деди оркамда турган киши ва елкамга туртиб қўйди.

Қиз хўнграб, зўрга ўрнидан турди ва чайқалганича енимдан ўтиб кетди. Зинадан пастга тушиб кетаётгани эшитилиб турарди.

Ичкарига кирдим. Эркак газаб билан менга қараб турарди, кўзлари совуқ ва маъносиз.

Иложини қилиб оркамга қарадим. Вонг Хон ХО — инглиз тилини биладиган йўл бошловчи менга мулойим жилмайиб турарди. Ўнг кўлида елкамга қаратилган 45-калибрли қолт тўппончаси.

Рўпарамдаги, кўринишидан касалманд ва бемажол одамни кўздан кечира бошладим. Соқоли олинмаган, ифлос баданидан бадбўй хид таралиб турибди.

— Қара-чи, тўппончаси йўқмикин? — буюрди у.

Олдимда турган бу киши Френк Беллингнинг ўзи эмасмикин, деган фикр хаёлимдан ўтди. Бошқача уйлаш бемаънилик бўларди.

— Беллингмисан? Сени анчадан бери қидираман.

— О кей, мана топдинг ҳам, — деди нотаниш киши. — Фақат жин урсин сени, бундан фойдаланишинг мушкул бўлса керак.

Мен Вонгга қарадим, у ҳамон жилмайиб турарди.

— Бошлаб қўлга туширдинг, — дедим хўмрайганимча. — Сен мени атайлаб аэропордга кутиб тургансан. Шунчалик аҳмоқ бўламанми. Келишим ҳақида сенга ким хабар қилди?

Вонг хиринглади.

— Ўзун-қулоқ гаплардан эшитдим-да. Жуда қизиқувчан бўлманг, мистер Рейн. Бу ерга келишингиз ҳам ножўз иш бўлди.

— Мен эса келавердим. Шунақа қизиқувчан одам бўлсам нима қилай... Қизиқиб менинг касбим.

— Сенга нима керак? — сўради Беллинг.

— Жо-Эн Жефферсонни нимага ўлдиришгандарини аниқлашга ҳаракат қилапман. Ўйлайманки, қидирувчи шу ердан бошлаш керак, излар эса керакли жойга олиб боради.

Кўзлари ениб тургани учун озгин юзи оч бўриникига ўхшаб кетарди.

— Бу аниқ... Уни ўлдиришганим?

— Ҳа, ўлдиришган.

У бош кийимини олиб ерга улоқтирди. Кум рангли сочларига анчадан бери қайчи тегмаган. Кўллари билан сочини тараган бўлди, лабларини қисди.

— Унга нима бўлди? — сўради у.

— Қани айт... фактларни.

Мен унга сирли Жон Хардвик ҳақида у мени қандай лақиллатгани тўғрисида, идорама қайтиб келиб аёлнинг мурдасини топганим ҳақида гапириб бердим. Қотилни топиш учун мени еллаган қари Жефферсон тўғрисида ҳам айтдим.

— У хотинини ким ўлдирганини билмагунча ўғлим тинчимас эди. Шунинг учун мен унинг сўнгги истагини бажаришим керак, деди.

— Полиция нима қилапти? Нима, улар қотилни топиша олмаётими? — сўради Беллинг.

— Топиша олмаётми. Мен ҳам топа олмапман. Шунинг учун сени излаётган эдим.

— Мени сенга ердан беради деган гапни қаекдан олдинг? — кўзларини зақчайтирди у. Юзидан тер шариллаб оқарди. У кўрққан ва дахшатли кўринарди.

— Жефферсон тўғрисида бирор нарса айтиб берсанг бўларди. У ҳам сенга ўхшаб гиёҳванд моддалар билан шугулланармиди?

— Унинг бу иш билан шугулланишини билмайман! Сенга ҳам бурнингни тикишни маслаҳат бермайман! Йўқол! Жефферсон ўлган. Мурдасини безовта қилма. Туегингни шикиллат бу ердан!

Мен бу маслаҳатга қулоқ солишим керак эди, лекин бундай қилмадим, шунинг учун жазоимни олдим. Беллинг Вонгга қаради, унинг кўзлари тешиб юборай дерди. Мен ўгирилдим. Вонг тўппончаси билан қорнимга туширди. Оғриқдан нафасим ичимга тикилгундай бўлиб, чайқалиб кетдим ва шу заҳоти гарданимга ҳам зарб билан урганларини пайқадим.

Ўз овозимни эшитдим: "Френк Беллинг инглиз шекилли?" Бош инспектор Маккартининг овози жавоб қилди: "Ҳа, инглиз".

Ўзини Френк Беллинг деб атаган ҳалиги исқирт ва бемажол киши кучли америка шеvasида гапирган эди. Инглизда шунчалик ажабтовур шева пайдо бўлиши мумкинми? Ўйлайманки, йўқ.

Бошимнинг қаттиқ оғриғи фикримни бўлди, инграб юбордим.

— Яхши, яхши, — дедим мен. — Хафа бўлишга ўрин йўқ. Хўш, бошингга бир марта туширишса нима бўлибди. Нимани кутувдинг — касбнинг ўзи шунақа. Тирик қолганингга хурсанд бўлсангчи.

Атрофда ҳеч нимани кўриб бўлмасди. Зим-зиё. Димоғимда қолган хиддан ҳамон Вонг мени бошлаб қалтаклаган ўша хонадалигимни билдим. Аста ўрнидан турдим. Оғриқдан бошим ерилиб кетай дерди. Соат ярим тундан беш дақиқа ўтган. Демак, ярим соатча беҳуш этганман... Бу Беллинг билан Вонг гоийб бўлишлари учун етарли.

Пастга тушаётганимда кимдир тепага чиқаётганини сездим. Кўлим ўз-ўзидан костюмим ичига югурди. Лекин тўппонча ғилофи бўш эди.

Чироқ нури кўзимни камаштирди.

— Бу ерда нима қилаяпсан? — деб сўради таниш шотландча овоз.

— Айлаиб юрибман, — дедим енгил тортиб. — Ўзингчи?

Зинадан сержант Хэмиш билан хитойлик полициячи кўтарилаётган эди.

— Сени шу томонга кетди дейишди, — деди у. — Шунинг учун чиқиб кўрмоқчи бўлдик.

— Озгина кеч қолдинглар. Ҳозиргина ошнанг Френк Беллинг билан юзма-юз гаплашдим.

— Сен? — хайрон бўлганидан донг қотиб қолди. — Қани у?

— Қочиб кетди, — дедим бошимдаги гулрани кўрсатиб. — У билан сирлашаётганимизда, оғайниси тушириб қолди.

— Бошлашибдику. Сенга биров бу ерга кел, деганмиди? Бу жой Гонконгдаги энг хавфли ер.

— Чирогингни оласанми-йўқми? Бошим ерилиб кетай деяпти.

У хонага кириб, кўздан кечириб чиқди.

— Бош инспектор сен билан гаплашмоқчи, — деди қайтиб чиққач. — Юр.

— У яхшиси На Хай Тон исмли хитойлик қиз билан гаплашса бўларди, — дедим ва қизнинг манзилгоҳини айтдим. — Тезроқ ҳаракат қил. Қочиб кетмасин.

— Унинг бунга нима алоқаси бор?

— Беллингнинг олдига мени ўша олиб келди.

Хэмиш енидаги хитойлик полициячига бир нарса деб шивирлаган эди, у югуриб кетди.

— Кетдик, — деди Хэмиш ва биз зимистон, хавф-хатар тўла тор кўчага чиқдик.

Ярим соатдан сўнг бош инспектор Маккартининг хонасида ўтирар эдим. Уни етган жойидан тургазиб олиб келганлари учун қайфияти яхши эмасди. Икки пиёла аччиқ чой келтиришди. Бошим ҳамон лўққиллаб оғрирди. Чой ичганимдан кейин бир оз қўйиб юборганга ўхшади.

Сержант Хэмиш деворга суяниб, мени бепарво кузатарди.

Маккарти куруқ трубкасини сўрганича ҳикоямни тинглаб ўтирарди.

Сильвер-Майн-Бэйга қилган саёхатимни ундан бекитдим. Жаҳлини чиқармаслик учун яширдим. Лекин На Хай Тон билан гаплашгим келганини, уни Вэнчай баридига бека ердаида топганимни, Жо-Эннинг ўлими уни нақадар хайратга солгани ва жаҳлини чиқарганини айтиб бердим.

— Мендан олган хабарни бирортасига етказишидан шубҳаланиб изидан тушдим ва девор билан ўралган хитойликлар даҳасига келиб қолдим, — дедим мен ва шундан сўнг Вонгнинг тўсатдан пайдо бўлиб қолгани, Беллинг билан суҳбатим ва Вонг мени қандай қалтаклагани ҳақида сўзлаб бердим.

(Давоми бор).

ЧОРШАНБА 28 ОКТЯБРЬ ЎЗТВ I

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.25 Алишер Навоий. "Лайли ва Мажнун". Видеофильм. 2-кисм. 8.40 "Олий мақсад сари". Бадий фильм. 1-серия. 9.55 Болалар учун. "Ерилош". 10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника. Қишлоқ хўжалик ўсимликларининг биологик аҳамияти. 11.00 "Ешлик" студияси саволларингизга жавоб беради.

18.00 Янгиликлар. 18.10 "Ғаройиб манеж". Мультфильм. 18.20 "Ешлик" студияси кўрсатади. "Соғинч". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Эл тинчилиги йўлида". 19.55 "Мен сизни суюқман". Мусикий кўрсатув. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси — умумхалқ муҳокамасида. 21.30 Алишер Навоий. "Лайли ва Мажнун". Видеофильм. 3-кисм. 22.45 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 23.45 "Экран таништирад..." 00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II "ТОШКЕНТ" СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 "Уолт Дисней таништирад..." Мультфильмлар тўплами. 19.20 "Спринт". 19.40 "Ишбилармонлар". 20.25 "Ўй-жойларни хусусийлаштириш". 21.15 "Суперспорт". 22.10 "02" тўлкинида. 22.30 Эсдалик учун дастхат.

"ОРБИТА IV"

5.55, 12.20, 18.20, 00.55 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгиликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 янгиликлар. 9.20 "Бойлар ҳам йиғлайди". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10.50 "Бизнинг мусикий клуб". 11.30 "Зиератчи". Телефильм. 12.00 Янгиликлар. Кундузги киноэкспресс 12.20 "Ўн икки стул". Тўрт серияли телевизион бадий фильм 2-серия. 13.25 "Анна Лииса". Телевизион бадий фильм (Финляндия телевидениеси).

*

15.00 Янгиликлар. (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Телемикст". 16.10 "Ён дафтар". 16.15 "Уолт Дисней таништирад..." 17.05 "Орзу-умид". Етим болалар учун хайрия концерти.

18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.25 "Кировлик мохир кўллар". Телефильм. 18.35 "Туркия телевидениесининг оқшоми". 19.10 Г. Свиридов. "Кичик триптих". 19.20 "Бойлар ҳам йиғлайди". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 20.05 "Веди". 20.45 Хайри тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.20 Туркия телевидениесининг оқшоми. "Бетартиб еток". Бадий фильм премьераси. 22.50 Волейбол. Россия чемпионати. Эркалар. "Динамо" (Москва вилояти) — "Самолот". 23.35 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Россия — Люксембург терма командалари. В. И. Ленин номидаги Марказий ўйингоҳдан олиб кўрсатилади. 2-тайм. 00.20 Янгиликлар. 01.00 "Бир боқишда муҳаббат". 2-кун. 01.35 "Ўн икки стул". Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 2-серия.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар. Ўзлонлар. 8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 Ишдан давра. 9.50 "Тила шпора". 10.20 Мультфильм. "Қандай қилиб типратикан ва айқач осмонни алмаштиришди?". 10.30 "Фортуна" телеканали. "Юлдузлар намойиши". 12.00 Кундузги сеанс. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий фильм. 91-серия. 12.50 "Ер ва сувнинг монандлиги". 13.05 "Метополис". 13.35 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 13.40 "Дехқонларга тааллуқли масала". 14.00 Россия Конституцион суди залидан.

15.30 "Терминал". Компьютер графикаси бўйича халқаро конференциядан репортаж. 16.00 Янгиликлар. 16.15 Трансрессефир. "Узоқ Шарк". 17.00 "Ўхшаш дунелар". 17.45 "Хар бир кун байрам". 17.55 Ўзлонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.00 "Мемнун миллионер". 18.30 Хабарлар. 18.45 Болалар даврасида. 18.50 "Кора денгиз". Хужжатли фильм. 18.30 Хабарлар. 19.50 "Сезам" кўчаси. 20.20 Концерт. 20.40 Хужжатли фильм.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.50 Спорт кўрсатуви. 20.55 Ўзлонлар. 21.00 "Оппозиция". 21.45 Бугун Россия Федерацияси Олий Кенгашида. 22.00 Хабарлар. 22.25 Россия Конституцион суди залидан. 22.55 Камера ўғинишни тадқиқ этади. "Охирзамон ҳақида янги матълумотлар". Хужжатли фильм. 00.10 "XX аср кадрда ва кадр ортида".



"Вивьен Ли — давр ледиси".

ПАЙШАНБА 29 ОКТЯБРЬ ЎЗТВ I

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.25 Алишер Навоий. "Лайли ва Мажнун". Видеофильм. 3-кисм. 8.40 "Мўъжизакор гўзаллик сир". Телефильм. 9.05 "Олий мақсад сари". Бадий фильм. 2-серия. 10.15 Араб тили. 10.45 "Ешлик" студияси кўрсатади. "Мактаб саҳнаси".

18.00 Янгиликлар. 18.10 "Бир томчи". "Тонгги кўшиқ". Мультфильмлар. 18.30 "Ғалла риск-рўзимиз". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Гилон". Телефильм. 19.30 "Анғаналар этади давом...". 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 "Дўстлик ришталари". Туркия Республикасининг Мустақиллиги кунига бағишланади. 21.30 Санъат усталари ижросида концерт. 22.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 22.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. Олий лига. "Пахтакор" — "Темирйўлчи" (Кўкун). "Пахтакор" Марказий ўйингоҳидан кўрсатилади (езиб олинган). 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

"ТОШКЕНТ" СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. "Табассум". 19.00 "Билим сарчашмалари". 19.30 "Иқтисодчилар мактаби". 20.00 "Пульс". Хабарлар. 20.10 "Бу оқшомда". 21.20 "Пульс". Хабарлар. 21.30 Ўзлонлар. Кинонигоҳ.

"ОРБИТА IV"

5.55, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгиликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгиликлар. 9.20 "Бойлар ҳам йиғлайди". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10.50 Футбол. Халқаро учрашув. Белорус — Украина терма командалари. 2-тайм. Минскдан кўрсатилади. 11.40 "Машхур ўрдакча Тим". Мультфильм. 12.00 Янгиликлар. Кундузги киноэкспресс 12.20 "Ўн икки стул". Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 3-серия. 13.40 "Кабаре". Телевизион бадий фильм.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Телемикст". 16.10 "Ён дафтар". 16.15 "Уолт Дисней таништирад..." 17.05 "Орзу-умид". Етим болалар учун хайрия концерти. 18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.25 "Кировлик мохир кўллар". Телефильм. 18.35 "Туркия телевидениесининг оқшоми". 19.10 Г. Свиридов. "Кичик триптих". 19.20 "Бойлар ҳам йиғлайди". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 20.05 "Веди". 20.45 Хайри тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.20 Туркия телевидениесининг оқшоми. "Бетартиб еток". Бадий фильм премьераси. 22.50 Волейбол. Россия чемпионати. Эркалар. "Динамо" (Москва вилояти) — "Самолот". 23.35 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Россия — Люксембург терма командалари. В. И. Ленин номидаги Марказий ўйингоҳдан олиб кўрсатилади. 2-тайм. 00.20 Янгиликлар. 01.00 "Бир боқишда муҳаббат". 2-кун. 01.35 "Ўн икки стул". Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 2-серия.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар. 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 8.50 Камера ўғинишни тадқиқ этади. "Охирзамон ҳақида янги матълумотлар". Хужжатли фильм. 10.05 Ишдан бўш пайтингизда. "Диққат, суратга олапман". 10.20 "Ўз-ўзига режиссёр". 10.50 "Карвон". 11.20 "Хали англамаган коинот". 11.50 Кундузги сеанс. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий фильм. 92-серия. 12.40 "Пилигрим". 13.25 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 13.30 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.50 Россия Конституцион суди залидан.

15.15 "Бозорни ўрганайлик". 15.45 "Рост" студияси. "Гуффи-Геймс" 1-кисм. 16.15 Янгиликлар. 16.30 Трансрессефир. "Урал-ТВ". 17.15 "Шундай яшаймиз". 17.45 "Хар бир кун байрам". 17.55 Ўзлонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.00 Ешлар. 18.30 Хабарлар. 18.45 "Ислох маданият едгорликлариди". 19.30 Хабарлар. 19.50 "Сезам" кўчаси. 20.20 Мусикий дастур. 21.10 "Карта опа". Видеофильм. 21.55 Манзарали фильм. 22.00 Хабарлар. 22.20 Спорт.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.55 "Осойишталик № 9". 23.55 Ўзлонлар. 24.00 Спорт кўрсатуви. 00.05 Соло. "Янги иллюзион".

ЖУМА 30 ОКТЯБРЬ ЎЗТВ I

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.25 Футбол. Ўйингоҳлардан дарақлар. 7.35 "Саодат". Фильм-концерт. 8.10 "Шаҳар таронаси". Бадий фильм. 9.45 "Ешлик" студияси кўрсатади. "Нишона". 10.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология. Балиқнинг турли-туманлиги, аҳамияти ва уларни муҳофаза қилиш.

18.00 Янгиликлар. 18.10 "Қуешда пишган нон". Мультфильм. 18.20 Болалар учун. "Қувноқлар даврасида". 18.40 "Ишонч мустақкам бўлса". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Мумтоз куйлардан концерт. 20.05 "Эл фарзанди". Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Хукумат тadbирлари. 21.40 "Хорманг бободоҳқонлар!". Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви. 22.25 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).

22.55 "Аршин мол-олон". Бадий фильм. 00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

18.05 "Кот Котофеевич". Мультфильм. 18.15 "Байкем, Эжем жена биз". 18.30 "Ата-журт". Телеканал. 19.00 "Ала-Тоо". 19.20 "Ата-журт" (давоми). 21.00 "Ала-Тоо". 21.20 "Ата-журт" (давоми). 21.50 "Янги шаронларда меҳнатга ҳақ тўлаш".

"ОРБИТА IV"

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгиликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгиликлар. 9.20 "Бойлар ҳам йиғлайди". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10.05 "Саҳнатчилар клуби" (сурдо таржимаси билан). 10.55 "...16 ешгача ва ундан катталар". 11.35 "Иштирок этувчилар". Телефильм. 12.00 Янгиликлар. Кундузги киноэкспресс 12.20 "Ўн икки стул". Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 4-серия. 13.40 Оқшом пайтларида. Бадий фильм (Болгария).

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Бридж". 15.50 "Бизнес-класс". 16.05 "Ён дафтар". 16.10 "Уолт Дисней таништирад..." 17.00 "Марказ". 17.40 "Мақтанчоқ чумчуқча". Мультфильм. 17.50 "Технодром". Оригинал гоғлар ва фойдали майда-чуйда нарсалар ҳақида. 18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.25 "Россия юлдузлари". Киноальманах. 18.45 "Вагон-03". 19.15 "Инсон ва қонун". 19.50 "Мўъжизалар майдони". 20.45 Хайри тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.25 "Детективлар клуби". "Шахсий курул". Телевизион бадий фильм. 22.50 Катталар учун мультфильм. "ВИД" таништирад: 23.05 "Сниесий бюро". 23.35 "Музобоз". 00.55 "Авто-шоу". 01.10 "Хит-конвейер". Танаффус пайтида янгиликлар. 02.10 "Ўн икки стул". Тўрт серияли телевизион бадий фильм 4-серия.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар. 8.20 Ўзлонлар. 8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 Камера ўғинишни тадқиқ этади. "Ракета инкироzi". Хужжатли фильм. 2-кисм. 9.45 Ишдан бўш пайтингизда. "Қушлар биз билан ена-ён". 10.00 "Жентельмен-шоу". 10.30 Ватаним менинг. "Петербург бурчақлари". 11.25 "Қалб сайли". Езувчи Георгий Семенов. 11.55 Кундузги сеанс. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий фильм. 93-серия. 12.45 "Гап-гаштакларни кўмсаб". 13.10 Мультфильм. "Қутилмаган учрашув". 13.20 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 13.25 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.45 Россия Конституцион суди залидан.

15.15 Тедебиржа. 15.45 "Рост" студияси. "Гуффи-Геймс". 2-кисм. 16.15 Янгиликлар. 16.30 "Минора". 16.45 "Жума кунлари Уолт Дисней". "Мистер Бугеда". Бадий фильм.

17.45 "Хар бир кун байрам". 17.55 Ўзлонлар. 18.00 Хабарлар. 18.20 "К-2" таништирад. "Динара". Бадий фильм ("Кинограф", "Медиа").

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.55 "Хонанда". 21.45 "Чолиқуш". 22.00 Хабарлар. 22.20 "Хафта сўнгиди". Дам олиш кўрсатуви.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.45 "К-2" Таништирад.

ШАНБА 31 ОКТЯБРЬ ЎЗТВ I

7.00 "Ассалому алайкум".

*

8.00 "Кенжатайдан кўрк, эй ганим". Бадий фильм. 9.10 "Биргаликда куйлаймиз". 9.40 "Шохрух клуби". 10.10 Мактаб ўқувчилари учун. "Қувноқ стартлар". 11.05 "Олам кўрки сиз билан". Публицистик кўрсатув. 11.45 "Алифбо сабоқлари". 12.15 "Мушоира". Адабий кўрсатув. 12.50 "Ешлик" студияси кўрсатади. "Орзулари ойдинлар". 13.30 Хайриддин Султонов. "Чангак". Видеофильм. 14.35 Тижорат канали. "Тола ва сифат". Навоий пахта тозалаш заводи иш тажрибасидан. 15.05 "Санъат усталари. Ўзбекистон халқ артисти Зайнаб Садриева.

18.00 Краканаш ва мактаб". Мультфильм. 18.15 Ўсмирлар учун. "Тенгдошлар". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Танбур". Телефильм. 19.40 Телевизион миниатюралар театри. 20.30 "Туркистон" ахбороти. 21.00 "Мархабо, талантлар!". Ўзбекистон Республикаси бадий хаваскорлик жамоаларининг телевизион фестивали. Андижон вилояти. 22.30 "Темир хотин". Бадий фильм. 1-серия. 23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

"ОРБИТА IV"

6.40, 15.20 — Кўрсатувлар тартиби.

6.45 Эрталабки гимнастика. 6.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 7.55 Янгиликлар. 8.30 "Моторлар оламида". 9.00 "Марафон-15" — кичкинтойларга. "Бамси". Мультфильм премьераси. 9.25 "Эльдорадо". 9.55 "Сехрли кўзойнак". Мультфильм премьераси. 10.05 "Саҳнанинг орқа томонидан. Табассум билан". А. Фатушин. 10.20 "Инсон институти". 10.50 "Технодром". 11.20 Экологик хроника 11.35 "Дело". 11.45 Едда қолган фильмлар. "Адрессиз қиз". Бадий фильм. 13.20 Мусикий дўкон 14.00 "Николай Казаковнинг ушалмаган орзуи". Телевизион хужжатли фильм премьераси. (Франция). 2-фильм. 15.00 Янгиликлар. 15.25 АҚШ Президентлигига номзодларнинг телемузокарали. 16.05 "Зазеркалье". "Арабелла-карокчи кизи". Бадий фильм. 17.35 "Қизил квадрат". 18.15 "Бу менинг оламин". (Халқ артисти Яншин туғилган куннинг 90 йиллигига). 19.05 Ойна жаҳонда биринчи марта. "Халқ душмани — "Бухарин". Бадий фильм. ("Мосфильм"). 20.45 Хайри тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.20 "КВН-92". Мавсум иккинчи ярим финалининг ўйини. 23.20 "Қувноқ теплоход". Нижний Новгороддан кўрсатилади. 23.35 "Европа плюс". Танаффус пайтида (24.00). - Янгиликлар.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар. 8.20 Вариациялар мавзу. "Петрополитан мусикаси". 8.50 "Қўлбола иш". Ошқозон ярасини даволашнинг янги усули ҳақида. 9.15 "Мансаб алифбоси". Ишбилармон кишилар танловига илова. 9.30 "Агар сиз...". 10.00 "Плюс ўн бир" видеоанали. 11.15 "Дораэмон". Мультфильм премьераси. 8-серия. 11.30 "Иваннинг кайғи". Бадий фильм.

*

13.10 — 17.20

ЎЗБЕКИСТОН

ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНING

"ДЎСТЛИК" ВИДЕОКАНАЛИ

"Безнен мирас" (татар тилида). "Дидар" (қорақалпоқ тилида). "Дўстлик тароналари". "Ой туран" (киргиз тилида).

*

17.20 "Бола тилидан...". 17.50 "Хар кун байрам". 18.00 Хабарлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.20 Туркия манзаралари 18.30 Хабарлар. 18.45 "Хонанда". 19.30 Хабарлар. 19.45 "Сезам" кўчаси. 20.15 "Тоғ сўқмоқларида". Хужжатли фильм.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.25 "Кеча". Бадий фильм (Польша). 21.55 Хабарлар. 22.25 "Сафсаталар". Оиладаги бугунги муаммолар ҳақида. 22.55 Бугун Россия Федерацияси Олий Кенгашида. 23.10 "Ассорти". Мусикий дам олиш томошалари. 23.40 "А" программаси. 00.10 "Ад либитум". 00.40 Тунги сеанс. "Нодир шахс". Бадий фильм.

ЯКШАНБА 1 НОЯБРЬ ЎЗТВ I

7.00 Ўзбекистон халқ ҳофиз Одижон Юсупов куйлайди. 7.50 "Саҳродаги кўриқхона". Телефильм.

*

8.00 "Туркистон" ахбороти. 8.30 "Олтин тоғнинг сир". Бадий фильм. 9.45 "Муҳаббат наволари". Мусикий кўрсатув. 10.25 "Ешлик" студияси кўрсатади. Ватанпарвар. 11.25 "Сайерамиз омон бўлсин". 12.05 Тижорат канали. "Саноатимиз одимлари". 12.25 Абдулла Орипов. "Ранжком". Телеспектакль.

15.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. Олий лига. "Пахтакор" — "Косонсойчи" (Косонсой). "Пахтакор" Марказий ўйингоҳидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида, телефильм. 17.20 "Капитан Врунгелнинг саргузаштлари". Мультфильмлар. 18.00 "Бўстонликнинг олтин кузи". Манзарали фильм. 18.20 "Санъат гунчалари". Глизер номидаги Республика ўрта махсус мактаб интернати ўқувчиларининг чиқиши. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 XI Тошкент халқаро кинофестивалига бағишланган Ўзбекистон санъат усталарининг концерти. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Хорманг, бободоҳқонлар!". Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви. 22.00 "Темир хотин". Бадий фильм. 2-серия. 23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

9.05 — 12.00 Киргизистон телевидениесининг болалар студияси кўрсатади. Программалар: "Хуш хабарлар", "Бобок сенин жомогун", "Дидар шоу", "Оқ кема". Бадий фильм, мультфильм.

18.05 "Қувноқ домино". Киноконцерт. 19.00 "Ала-Тоо". 19.20 Б. Жакиев. "Қулгондун билгежи бар". Уш киргиз драма театрининг спектакли. 20.50 "Канизак Изаура". Кўп серияли бадий телефильм. 2-серия (рус тилида).

"ОРБИТА IV"

6.15, 15.15, 18.40, 00.15 — Кўрсатувлар тартиби. 6.20 "Рухни чиқитириш". 7.20 "Спортлото" тиражи. 7.35 "Адиген" турк ансамблининг чиқиши. 7.55 Янгиликлар. 8.30 "Эрта сахарлаб". 9.00 "Ялла" чойхонага таклиф этади. 10.30 "Кичкинтой ва қора никоб". Мультфильм. 11.00 "Ўтмиш". 11.40 "Қора кўрма



Ички ишлар идоралари молия-иқтисод бўлимларига ташиф буюрсангиз, у ердагиларнинг ҳисобдон билан ниманидир ҳисоблаётганлари ёки нимадир ёзаётганларининг гувоҳи бўласиз.

Тошкент вилояти ИИБ молия-иқтисод бўлимининг ҳисоблаш гуруҳи раҳбари Моҳира Салменова ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Бўш пайтларда ҳам, ишда ҳам Моҳира она ёшларга бош-қош.

Суратда: М. Салменова ҳисобчи Хури Қўчқоровага иш юритиш услубини ўқитишда.

Суратни Х. ШОДИЕВ тайёрлаган.

ТАЛАБ ЎЗГАЧА

— Фарғона милицияси идораларида халқ оёйишталиги йўлида жонини фидо қилишга тайёр турган ходимлар ниҳоятда кўпчилики ташкил этади, — деди вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги Шукрулла Рўзमतов. — Аммо бир нарсани унутмаслик лозимки, эндиликда кечаги кун руҳи билан ишлаб бўлмайди. Бугунги кун ҳуқуқ ҳимоячиси ҳар томонлама зукко, билимли, маданиятли бўлмоғи керак.

Шундай қилиб, Ўзбекистон зиёлилари илмий-маърифий уюшмаси вилоят ташкилоти раисининг ўринбосари Бахтиёр Алиев ҳамкорлигида таниқли адиблар, санъаткорлар, олимлар, ҳайкалтарошу мусаввирлар, спортчилар ва ишбилармонлар билан учрашувлар ўтказишга келишилди.

Дастлабки учрашувда Бахтиёр Алиев йиғилганларнинг турли хил саволларига жавоб берди. Ундан сўнг эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза мукофоти совриндори Муҳаммадсоли Юсупов раҳбарлигида Фарғона драма ва комедия театри актёрлари, кейинроқ собиқ СССРда донг таратган экстрасенс Минаввархон Ғуломовалар милиция ходимларининг азиз меҳмони бўлишди.

М. КИМСАНБОЕВ, милиция майори.

ҚУТЛОВ

Азиз дўстим, Хусан!
Улуғ айёминг —
туғилган кунинг билан
чин дилдан муборакбод
этаман. Омад ва бахт
ҳамиша ҳамроҳинг
бўлсин! Чехрангдан
ёғилиб турган табассум
ҳеч қачон аримасин!
Омон бўл!

Дўстинг
Сардор СОДИҚОВ.

ЎЙЛАБ КЎРАР

Тўравой Тўйчиев ёш эмас, уч фарзанднинг отаси. Иши ҳам туппа-тузук. Аммо нимагадир кейинги вақтларда озгина ичса машина рулига ўтирадиган одат чиқарди. Ўтирса нима қилибди, дерсиз? Ахир ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаса, тагин бировга тегишли машинага ўтирса...

Яна кўп юрмай, биринчи ДАН постидаёқ кўлга тушса... Биринчи марта 200 сўм жарима тўлади. Иккинчисида эса Тошкент райони халқ суди йўл ҳаракатининг ўзига яраша қонун-қоидаларига "тўраларча" муносабатда бўлган Тўравойни 3000 сўм жарима тўлашга ҳукм қилди. Ҳар ҳолда энди у шунча пулни нима учун тўлагани ҳақида ўйлаб кўрса керак.

ҚУРУҚ ҚАЙТИШДИ

"Шимолий" темирйўл вокзалида давлат назоратчилари зийрак. 2 сентябрь кун "Тошкент — Москва" поездига оғир юк билан чиққан Ж. Ойимқулов ҳа дегадана кути ичида нима борлигини айтивермади. Маълум бўлишича, у "Таурас" номли рангли телевизорни у ёқда пулламоқчи экан.

Иркутск шахрига отланган В. Ельчик эса 128 минг 604 сўмлик кийим-кечакларни ҳамюртларига сотмоқни ният қилибди.

Сирдарёлик И. Қодиров "Луч", "Чайка", "Слава", "Полёт", "Заря" каби эрқаку аёллар кўл соатларини — 75 минг 601 сўмлик турли молларни яхшилаб жойлаб, Россия шаҳарларига йўл олганди. Афсуски, сафарини қолдиришга тўғри келди.

Челябинскдан шахримизга меҳмон бўлиб келган шахс эса 63 минг 800 сўмлик кийим-кечакларни олиб кетаётган экан.

Томсклик Л. Булатова 250 минг сўмлик харидоргир буюмлар билан кўлга тушди. "Болаларига" 48 жуфт оёқ кийими харид қилиб Олмаотага қайтаётган Х. Маюни, 12.400 сўмга ширинликлар сотиб олган У. Сегизбоевлар ҳам манзиллари томон қуруқ кетишди.

М. ҲАКИМОВ.

Обуна-93

«Постда»

«На посту»

газеталари маънавий эҳтиёжингизни қондиришда Сизга энг яқин кўмакчи бўлади. Бу нашрларга келгуси йил учун обуна баҳоси — 312 сўм.

Индекслари — 64615 ва 64616.

БИЗ ОБУНА БЎЛДИК. СИЗЧИ?

Мана, обуна мавсуми якунланаётган бўлсада, рўзнома мухлисларининг сеvimли нашрларига кўплаб мактублар келмоқда. Бунда улар газета саҳифаларида кишининг эътиборини жалб этадиган турли мавзудаги мақолалар ёритилишига умид билдиришган. Шу билан бир қаторда муштарийларнинг истак ва талаблари рўзнома саҳифаларидан ўрин оляпти.

Милиция ходимлари ҳам биринчилар қатори "Постда" — "На посту" рўзномаларига обуна бўляптилар.

Милиция подполковниги Абдурашид Шодиев ҳам "Постда"нинг жонқуярларидан. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Шайхонтоҳур райони ички ишлар бўлимининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича бошлиқ ўринбосари. Биринчи гал Абдурашид ака билан суҳбатлашганимда очик кўнгил, фидоий инсон эканлигини муомаласидан англаб олдим. Ушанда рўзнома келажиги тўғрисида фикрлашиб, доно маслаҳатлар берганди. Хизматда ҳам зийрак, ташкилий ишларда бош-қош. Маслаҳат сураганларга ерданини аямайди.

Шу боис Абдурашид ака билан рўзнома обунаси тўғрисида яна бироз суҳбатлашишга тўғри келди.

— Газетага обуна бошланиши билан дарҳол комиссия туздик. Унинг таркибига 11 киши киритилди. Ҳар душанба кун район ҳокими раҳбарлигида мажлис ўтказилмоқда.

Унда маҳалла қўмитаси раислари, корхона, муассаса, ташкилот ва ўрта махсус олий ўқув юр்தларининг раҳбарлари қатнашмоқдалар. Мажлисларда ҳар доим газетамизнинг бугунги роли ва ўрни ҳақида гапирилади. Ана шунда йиғилган 53 та маҳалла раисларининг ҳаммасида "Постда"га обуна бўлиш иштиёқи туғилди. Ҳозир уларнинг ҳаммаси обуна бўлган. ИИБда "Кўнгилли ҳуқуқ-тартибот" жамғармамиз мавжуд. Шу жамғармадан 10 минг сўм пул ажратиб, бизда ишлаб нафақага чиққан фахрийларимизнинг баъзиларини обуна қилдирдик.

Ҳозирда шахсий таркибимиз 100 фоиш, яъни 365 киши обуна бўлди.

Биз ҳар доим "Постда"дан қўлланма сифатида фойдаланиб келганмиз. Шахсан ўзим ҳар бир сонини мунтазам ўқиб бораман. Иқтисодий тақчиллик бўлсада рўзномага қозғ ҳамда ранг-бўёқ томондан кўмаклашиш ниятимиз бор.

Бу борада барча ички ишлар идоралари ҳам ўйлаб кўришса нур устига аъло нур бўлар эди.

О. МАҲМАЮСУПОВ.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Чиноз райони ички ишлар бўлими томонидан 1971 йилда шу районда туғилган ва шу райондаги Эшонобод жамоа хўжалигининг Ангельс участкаси 3-бригадасида яшовчи Муротова Гулсара Азиековна қидирилмоқда.

У 12 август кун и уйдан чиқиб кетганича қайтмаган.

БЕЛГИЛАРИ: ёши 21да, бўйи 160-165 сантиметр, сочи қалта ва қора рангда, кўзлари қора.

УСТ-БОШИ: эгнида кулранг кўйлак, оёғида қора рангли шиппаги бўлган.

АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ: юзининг ўнг қисмида, шунингдек, ўнг ёки чап оёғининг болдирида кукюкдан қолган доғ, қорин қисмида тилинган излар, ўнг қўлининг кафтидан юқорига қараб кетган 8 сантиметр узунликдаги тиртиқ, чап



қўлининг билак бўғинида пичоқ билан кесилган асорат бор.

Гулсара Муротова ҳақида бирон бир маълумотга эга бўлган фуқаролардан энг яқин милиция бўлимига "02" рақамли телефон орқали хабар беришингизни сўраймиз.

ТОШПЎЛАТ МАМАДАЛИЕВ

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг фахрийси, истеъфодаги милиция полковниги Тошпўлат Мамадалиев олтиш тўққиз ёшида тўсатдан вафот этди.

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Тошпўлат Мамадалиев ўқчи полк взводи командирининг ёрдамчиси сифатида шонли жанговор йўлни босиб ўтди. Жанговор хизматлари учун у "Қизил Юлдуз" ҳамда II даражали "Ватан уруши" орденлари, "Жасорати учун" ҳамда "Жанговор хизматлари учун" медаллари билан мукофотланганди.

Урушдан сўнг Тошпўлат Мамадалиев ўз ҳаётини ички ишлар идораларида хизмат қилишга бағишлади ва йигирма тўққиз йил давомида турли лавозимларда ишлаб, хизматни

Наманган вилояти Учқўрғон райони ички ишлар бўлими бошлиғи лавозимида тугаллади.

Узоқ йиллар мобайнида оператив ишда бўлиб, энг оғир жиноятларни очишда иштирок этди.

Истеъфода чиққандан кейин ҳам ёш милиция ходимларини тарбиялашга кўп куч-ҳаракат сарфлар эди.

Милиция фахрийси жанговор мукофотлар билан бир қаторда учала даражали "Бенуқсон хизматлари учун" медалларига сазовор бўлган эди.

Тошпўлат Мамадалиевнинг порлоқ хотираси қалбларимизда абадий қолади.

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ
ВETERАНЛАР КЕНГАШИ.



Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти, ҳайъати ва шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари полковник Илҳом Тошпўлатович Мамадалиевга отаси Тошпўлат МАМАДАЛИЕВ вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

■ Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.

■ Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

■ Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.

■ Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ўзбекистон Жумҳурияти
«Шарқ» нашриёт-матбаачилик
концерни босмаҳонаси.
700083, Тошкент,
Ленинград
кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 54-37-91,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул
котиб — 59-26-56, мухбирлар бўлими —
59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир ўринбосари
Раҳмонали ҚОСИМОВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент, Г. Ло-
патин кўчаси, 1.